Лицензияланадиган фаолият билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларда лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши ҳам текширилади.

### **Япония тажрибаси**

Япония давлатида текширув ўтказишнинг аниқ (асосий) методикаси қонунчиликда чегараланмаган бўлиб текширувчи инспекторнинг ихтиёрида бўлгани учун, текширув объектнинг фаолият тури, олдинги текширув натижалари, текширувчи инспекторнинг тажрибаси ва қобилятини ҳисобга олган ҳолда раҳбар асосий текширув усулларини кўрсатиб беради.

Умумий текширув ўтказиш методикаси қуйидагича:

А) Олдиндан хабар бериш. Солиқ текшируви асосан солиқ тўловчининг олдида бориб ўтказилгани учун текширувга бориладиган кун, вақт ва тайёрлаб қўйилиши лозим бўлган ҳужжатлар сони солиқ тўловчига олдиндан хабар қилинади. Бу хабар асосан телефон орқали етказилиб ёзма хабарнома берилмайди.

Б) Текширув ўтказиш жойи. Текширув биринчи кундан бошлаб иложи борича солиқ тўловчининг жойи (корхона идораси, дўкон, завод ва ҳоказо) га бориб ўтказилади. Бунинг сабаби, солиқ текширувининг мақсади топширилган декларация ва ҳисоботларнинг ҳаққоний ва ишончлилигини текшириш бўлиб, унинг учун эса солиқ

тўловчининг ҳақиқий фаолияти ва бухгалтерия ҳужжатлари билан бевосита танишиш зарур деб ҳисобланади.

Солиқ тўловчи ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни амалга ошираётган бўлсада унинг амалга ошириш усули ва ушбу ҳатти-ҳаракатни аниқлаш учун калаванинг учи нима ва каердалигини билиб бўлмайди.

Бундан ташқари бошидан бухгалтерия ҳужжатларини текшириб хатоларни топилсада, солиққа оид ҳуқуқбузарликни аниқлаб олиш қийин.

Шунинг учун, олдин солиқ тўловчи олиб бораётган фаолиятнинг ҳақиқий аҳволи билан танишиб кейин бухгалтерия ҳужжатлари текширилади.

В) Солиқ текшируви якуни бўйича баённома тузиш. Текширув якунлангач, текширилган давр, текширув ўтказилган муддат, текширув жараёни (суҳбатлашилган шахс, текширилган ҳужжатлар в аҳоказо) ҳақидаги маълумотлардан ташқари ҳуқуқбузарлик ва хатолар бор-йўклиги, усули ва суммаси каби текширув натижалари туширилган текширув якуни бўйича протокол тузилиб давлат солиқ бошқармаси ёки инспекцияси раҳбари томонидан маъқулланади. Лекин солиқ тўловчининг имзоси талаб қилинмайди.

Г) Қайта (тўғриланган) декларация топшириш ва солиқни тўғри белгилаш ҳақида буйруқ. Текширув якуни бўйича тузилган протокол маъқуллангач, олдин топширилган декларацияда хато ва камчиликлар аниқланган бўлса уларни тuzатилган декларация (тўғриланган декларация) топширтирилади.

Солиқ тўловчи текширув натижасидан норози бўлиб қайта (тўғриланган) декларация топширмаса давлат солиқ бошқармаси ёки инспекцияси раҳбари номидан текширув натижаларига биноан ҳисобланган даромад суммаси, солиққа тортиш базаси ва унга тўғри келадиган солиқ суммаси ёзма равишда белгиланиб (солиқни тўғри белгилаш ҳақида буйруқ сифатида) солиқ тўловчига юборилади.

### **Солиқ текширувлари билан боғлиқ асосий тушунчалар ва уларнинг таърифлари**

Қуйидаги асосий тушунчаларнинг таърифлари берилган:

**Бошқа мажбурий тўловлар**

**Давлат солиқ хизмати органлари**

**Давлат божхона органлари**

**Жисмоний шахслар**

**Камерал назорат**

**Комплекс текшириш**

**Муқобил текширув**

**Молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш)**

**Молия органлари**

**Нотижорат ташкилотлари**

**Назорат тартибида текшириш**

**Назорат қилувчи органлар**  
**Нақд пул тушуми келиб тушишининг хронометражи**  
**Режадан ташқари текшириш**  
**Солиқлар**  
**Солиқ тўловчилар**  
**Солиқ агентлари**  
**Солиқ тўловчининг вакиллари**  
**Солиқ муносабатларининг субъектлари**  
**Солиқ текшируви**  
**Солиқ тўловчи молия-хўжалик фаолиятининг режали солиқ текшируви**  
**(тафтиши)**  
**Солиқ тўловчининг идентификация рақами**  
**Текширишларни рўйхатга олиш китоби**  
**Текшириш**  
**Хўжалик юритувчи субъект**  
**Юридик шахс**  
**Якка тартибдаги тадбиркор**  
**Қисқа муддатли текшириш**

**Ўзлаштирилган билимни синаш учун**  
**тест саволлари**



Ушбу бўлимда 35та тест саволлари берилган.

**Фойдаланилган адабиётлар**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ**

# **СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ УСУЛЛАРИ**

**Ўқув қўлланма**

**Ўзбекистон Республикаси солиқ маъмурчилигини  
такомиллаштириш лойиҳаси**

**Тошкент 2010**

## **МУНДАРИЖА:**

Кириш

### **I. ТЕКШИРИШ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК**

1.1 Солиқ текшируви ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектни танлаш услуби

1.2 Текшириш ўтказишга тайёргарлик жараёнлари, уларда амалга ошириладиган ишлар

1.3 Солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботларини ўрганиш ҳамда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича боқимандалик ҳолатини таҳлил қилиш

1.4 Тегишли орган ва ташкилотлардан текширилувчи хўжалик юритувчи субъект фаолиятига доир ахборот ва маълумотларни жамлаш, таҳлил қилиш

1.5 Текширилиши режалаштирилган хўжалик юритувчи субъект бўйича аввал ўтказилган текширишлар натижаларини ўрганиш

1.6 Солиқ текширувини амалга оширувчилар таркибини аниқлаш ва зурурий ҳолларда мутахассисларни жалб этиш тартиби

1.7 Текширув ўтказиш дастурини тузиш қодалари ва уни тасдиқлаш

### **II. ЖОЙИДА ТЕКШИРИШ ЎТКАЗИШ**

2.1 Солиқ текширувининг бошланишида амалга ошириладиган дастлабки ишлар

2.2 Солиқ текширувлари жараёнида қўлланиладиган усуллар

2.3 Солиқ текшируви жараёнида мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш

2.4 Касса ва касса операцияларини тафтиш қилиш.

2.5 Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи ва харажатлар таркибини текширишнинг ўзига хос жиҳатлари

2.6 Қисқа муддатли текширувлар ўтказиш тартиби

2.7 Хўжалик юритувчи субъектларни фаолият турларига нисбатан текширишнинг ўзига хос хусусиятлари

### **III. БЮДЖЕТ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАР БИЛАН ҲИСОБ-КИТОБЛАРНИ ТЕКШИРИШ**

3.1 Хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет билан солиқлар бўйича ҳисоб-китобларини текшириш

3.2 Фойда солиғини ҳисобланиш жараёнини текшириш

3.3 Қўшилган қиймат солиғини текшириш

3.4 Акциз солиғини текшириш

3.5 Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни текшириш

3.6 Мол-мулк ва ресурс солиқларини текшириш

3.7 Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида тўланадиган солиқларни текшириш

3.8 Мақсадли жамғармаларга тўловларни текшириш

IV. СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ ЯКУНИ ВА НАТИЖАЛАРИНИ  
РАСМИЙЛАШТИРИШ

4.1 Солиқ текширувининг якунланиши ва солиқ текшируви далолатномасининг тузилиши

4.2 Солиқ текшируви натижаларини расмийлаштириш

4.3 Солиқ текшируви далолатномасига илова қилинадиган ҳужжатлар

## **Кириш**

Давлатни бошқариш учун маблағ керак. Барча давлатларда бу маблағлар одатда солиқлар орқали шакллантирилади. Шунинг учун «солиқлар – жамиятнинг умумий харажати» дейиш мумкин.

Солиқ қонунчилигида солиқ тўловчи юридик шахслар ўзларининг ҳисоб-китобларини бухгалтерия ҳисоб-китобларида тўғри акс эттирган ҳолда, улар асосида солиқларни мустақил ҳисоблайдилар ва тўлайдилар. Бундан келиб чиқадики, агар солиқ тўловчилар солиқларни тўлиқ ҳисоблаб, тўлаб борганларида, мукамал жамият пайдо бўлиши керак эди. Бироқ, қайси замон ва қайси мамлакат бўлмасин, солиқ тўловчилар томонидан даромадларини яшириш, солиқларни тўлиқ ҳисобламаслик ва тўламаслик ҳоллари учраб туради.

Шунинг учун, солиқларни бюджетга тўлиқ тушишини кафолатлаш мақсадида, давлат солиқ хизмати органларини таъсис этиб, уларда ишлайдиган мутахассисларни тайёрлайди ва қонунчилик асосида солиқларни текшириш мақсадида ходимларни тайинлайди.

Давлат солиқ органлари фаолиятининг муҳим жабҳаларидан бири солиқ текширувларини ўтказиш бўлиб, бу давлатнинг молиявий тузилмасини таъминлаш ва солиқларни йиғилувчанлик даражасини ошириш ҳамда мустаҳкамлашга қаратилган. Бундан ташқари, солиқ текширувлари солиқ бошқарувини ўтказишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Солиқ текширувлари – бу солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботларида, унинг ишлаб чиқариш фаолияти ишончли акс эттирилганлигини чуқур текширишдир. Демак, солиқларни текширишда энг муҳими текшириш объекти фаолиятини ва ушбу фаолият натижаларини бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилганлигини кенг қамраб олишдир. Бироқ, солиқ текширувлари осон иш эмас ва уни ўтказиш усуллари турлича бўлиши мумкин.

Солиқ тўловчи хато қилди деб фараз қилайлик. Бу қонунга зид ҳаракат дейилади, аммо бу ҳаракатнинг шакли ҳар хил солиқ тўловчида турли хил бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам, «бу ҳаракат қандай амалга оширилди», «бу қандай қилиб аниқланди» деган ва бошқа саволларга ҳам жавоб ҳар хил бўлади. Демак солиқ текширувлари услубиётида математика ёки химия фанидаги каби аниқ тенгламалар ёки формулалар мавжуд эмас. Шунинг учун, солиқ текширувлари ўтказаетганда мумкин қадар кўп ахборот ва ҳужжатларни тўплаш, саволларни тайёрлаш ва бериш керак. Охир оқибатда бирор бир фойдали натижа бўлса, текширув муваффақиятли ўтди дейиш мумкин. Агарда, солиқ текширувидаги маълумотларга ҳожат бўлмаса ҳам, ушбу текширувда қўлга киритилган ахборот ва билимларни кейинги текширувлар учун фойдаси бўлади деб тушуниш керак. Демак, текшириш учун масъул шахснинг алоҳида солиқ тўловчининг ишлаб чиқаришдаги ва савдодаги фаолиятини солиқ текшируви орқали тўғри қамраб олиши муҳим аҳамиятга эга. Бундай билим ва ахборотларни жамлаб бориш – ҳар бир

текширувчининг хусусий мулки ва ноу-хаусидир. Буларни келажакда керак бўлишини доимо эсда тутиш керак.

Келажакда, тизим ҳар бир текширувчисининг билими ва ноу-хауларидан биргаликда фойдаланиб, солиқ текширувларини яна ҳам самарали ва таъсирчан қилиб ўтказиш мумкин бўлади.

Кўп ҳолларда маҳорат ва иш усуллари тажриба орқали орттирилади. Аммо бунда ҳам текширувчининг ишдаги ўз тажрибаси орқали орттира оладиган маҳорати ва усулининг маълум чегараси мавжуд. Бундан ташқари, олдинги тажриба ва билим кўп ҳолларда бошқа текширувчиларнинг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, улар томонидан хўжаликлардаги камчиликларни шакллари ва уларни аниқлаш усуллари ҳақида ахборот олишдан иборат. Шунинг учун бу ҳам малака ва тажрибани ошириш йўлларида бири ҳисобланади. Бундан ташқари, актив позицияда(ҳолатда) туриш ва ўз мавқеини мустаҳкам билиш солиқларни текширишда жуда муҳимдир. Тез ривожланиб бораётган мамлакатимизда иқтисодий ислохотларнинг кейинги босқичларида молия тизимини мустаҳкамлашимиз зарур.

Мазкур қўлланмада солиқ текширувларининг моҳияти ва усуллари кенг тарзда кўрсатилган. Аммо бериладиган маълумотлар қанчалик чуқур бўлмасин, солиқ текширишларига тегишли барча масалаларни очиб бера олмайди. Солиқларни текшириш конунчилик, текшириш қоидалари, текшириш даврийлиги ва муддатлари билан чекланади. Шунинг учун, ушбу чекланишларни ҳисобга олган ҳолда ҳар бир солиқ текширишида ўзига хос услубни танлаш керак.

Ушбу қўлламада асосий урғу солиқ текширувларини ўтказиш билан боғлиқ масалаларга берилган бўлиб, унда асосан текширишга тайёргарлик, уни жойида ўтказиш тартиби, текширув объектлари ва уларни текшириш усуллари, текшириш жараёнида амалга ошириладиган тадбирлар, уларнинг натижаларини расмийлаштириш каби масалаларни ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

## **I. ТЕКШИРИШ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК**

### **1.1 Солиқ текшируви ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъектни танлаш услуби**

Солиқ органларида текширилиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъектларни танлаш, энг аввало улар рўйхатини тузиш ва “Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинги” бўлими (шўъбаси) томонидан “Хўжалик юритувчи субъектларни текшириш режа жадвали”га киритишдан бошланади. Мазкур ҳолат бўйича 2006 йилда Ўзбекистон Республикасида солиқ органлари томонидан хавф таҳлили тизими – “йиллик ва чораклик текширувлар режаси принципи” ишлаб чиқилган ва жорий этилган бўлиб, режали текширувни белгилаш принципларига асосан тадбиркорлик субъектлари тегишли хавф гуруҳларига ажратилади.

Юқоридаган келиб чиққан ҳолда хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ қоидабузарлиги содир этилиш эҳтимоли (хавф даражаси)га қараб “текшириш режа жадвали”га киритилади ва ушбу жадвалга киритилган хўжалик юритувчи субъект кейинги йилда режали солиқ текшируви ўтказиладиган солиқ тўловчи сифатида танланади.

Солиқ текширувининг яна бир тури бўлган режадан ташқари солиқ текширувида ихтиёрий тугатилаётган, давлат солиқ хизмати органига мазкур солиқ тўловчи томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳоллари ҳақида қўшимча маълумотлар (масалан, хўжалик юритувчи субъект устидан шикоят қилинганда) келиб тушган солиқ тўловчилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларидан келиб чиқувчи текширувларни ўтказиш зарурати юзага келган ҳолларда мазкур хўжалик юритувчи субъектлар текширув ўтказиладиган хўжалик юритувчи субъект сифатида танланади.

### **1.2 Текшириш ўтказишга тайёргарлик жараёнлари, уларда амалга ошириладиган ишлар**

Солиқ тўловчиларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бўйича текширишларни амалга оширишнинг дастлабки босқичларидан бири бу-текширишни ўтказишга тайёргарлик кўришдир.

Текширишни ўтказишга тайёргарлик солиқ хизмати органларида текширишлар режасини Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши тасдиқлаганидан сўнг дарҳол амалга оширилади. Тезкор ахборот мавжудлиги муносабати билан текшириш режасига киритиш учун тақдим этилган корхоналарни текшириш бўйича тайёргарлик мазкур корхонага доир ахборот олиниши билан дарҳол бошланади.

Текшириш ўтказишдан олдин солиқ органларида хўжалик юритувчи субъект ҳақида бор маълумотларни ўрганиб чиқилиб, текширишга пухта тайёргарлик ишлари ўтказилиши ва қўланмада кўрсатиб ўтилган ишлар амалга оширилиши зарур:

Ушбу қўлланманинг кейинги параграфларида текшириш ўтказишдан олдин солиқ органларида амалга ошириладиган мазкур ишларнинг ҳар бирини алоҳида, батафсил, кенгайтирилган тарзда ёритиб берилади.

### **1.3 Солиқ тўловчилар томонидан тақдим этилган молиявий ва солиқ ҳисоботларини ўрганиш ҳамда солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича боқимандалик ҳолатини таҳлил қилиш**

Текширишга тайёргарлик кўриладиган хўжалик юритувчи субъект (юримдик шахс ёки яққа тартибдаги тадбиркор)нинг текшириш ўтказиладиган давр учун солиқ инспекциясига тақдим этилган солиқ ҳисоботлари, бухгалтерия баланслари ва декларацияларни бир-бири билан боғлиқ бўлган солиқ турлари ва солиқ солиш объектлари ўртасидаги тақсимотини таҳлил қилинади. Бунинг учун солиқ органларида бевосита солиқ тўловчиларнинг ҳисоботларини текшириш, улар билан боғлиқ камчиликларни аниқлаш билан шуғулланадиган “Камерал назорат” бўлими мавжуд бўлиб, ушбу бўлимдан солиқ тўловчининг молиявий ва солиқ ҳисоблари юзасидан таҳлилий маълумотлар олинади. Ўз навбатида камерал назорат бўлими ахбороти солиқ тўловчиларда ҳужжатли текширишлар ўтказиш учун уларни танлаш мезони бўлиб ҳам хизмат қилади.

Камерал назорат амалга ошириши натижасида текширилиши режалаштирилган солиқ тўловчининг ҳуқуқбузарликларига доир маълумотларни аниқлаш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам мазкур назорат натижаларидан солиқ текширувларини амалга оширишда фойдаланилади.

### **1.4 Тегишли орган ва ташкилотлардан текширилувчи хўжалик юритувчи субъект фаолиятига доир ахборот ва маълумотларни жамлаш, таҳлил қилиш**

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, текширувга тайёргарлик кўриш жараёнида амалга ошириладиган тадбирларнинг асосийларидан яна бири бу - тегишли орган ва ташкилотлардан текширилиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъект ва унинг молиявий-хўжалик фаолиятига тегишли бўлган маълумотларни тўплаш, уларни таҳлил қилиш ва мавжуд камчиликларни аниқлаш ҳисобланади.

Бу жараёнда асосан солиқ органлари текширилиши режалаштирилган хўжалик юритувчи субъектларнинг бевосита молиявий-хўжалик фаолиятига доир ташқи маълумотларни тегишли идоралардан ёзма мурожат қилиш ёки вазирлик ҳамда идоралараро келишилган тартибда олиши мумкин (1-схемага қаранг).

**1-схема. Текширилиши режалаштирилган хўжалик юритувчи субъект фаолиятига доир ахборот ва маълумотларни олиш мумкин бўлган орган ва ташкилотлар**



**1.5 Текширилиши режалаштирилган хўжалик юритувчи субъект бўйича аввал ўтказилган текширишлар натижаларини ўрганиш**

Молиявий-хўжалик фаолияти бўйича хужжатли текшириш (тафтиш) режалаштирилган хўжалик юритувчи субъект бўйича текширувга тайёргарлик кўриш жараёнида солиқ органларининг текшириш ваколатига эга шахслари мазкур текширилаётган субъект бўйича аввал ўтказилган текшириш натижаларини батафсил ўрганиб чиқиши лозим бўлади. Ўз навбатида солиқ текширувлари якунлари маълумотлари таркибини ўрганадиган бўлсак, улар текшириш далолатномаси, унга мувофиқ кўшимча ҳисобланган солиқлар суммалари бўйича маълумотлар (текшириш якуни бўйича қабул қилинган қарор ва солиқ тўловчиларга юборилган тақдимномаларда акс этирилган), текшириш далолатномасига мувофиқ тўланган молиявий жарималар суммаси каби маълумотлардан иборат.

**1.6 Солиқ текширувини амалга оширувчилар таркибини аниқлаш ва зурурий ҳолларда мутахассисларни жалб этиш тартиби**

Солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ текширувларига ҳудудий солиқ органлари (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари) раҳбарияти томонидан тегишли тартибда рухсат берилган (текширишларни ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳномаси мавжуд бўлган) солиқ органлари ходимлари чиқишга ҳақлидирлар. Текширишга тайёргарлик кўриладиган хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти, иш ҳажми, унинг катта-кичиклиги, тўлаётган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлари таркиби, текшириш даври ва муддатларидан келиб чиққан ҳолда текширишда иштирок этиши мумкин бўлган солиқ идоралари ходимлари таркиби аниқланади. Бу таркибга асосан солиқ органларининг “Солиқ текширувлари”, “Юридик шахсларга солиқ солиш”, “Жисмоний шахсларга солиқ солиш” бўлимлари ҳамда “Қисқа муддатли текширишларни ташкил қилиш” шўъбасидан ходимлар қабул қилиниши мумкин.

Зарурат туғилганда давлат солиқ хизмати органи раҳбарияти билан келишган ҳолда солиқ текширувларига бошқа ҳудудий давлат солиқ органларининг тегишли тартибда рухсат этилган (рухсатнома берилган) ходимларидан, ёки Солиқ кодексига мувофиқ бошқа ташкилотларга мутахассисларни жалб этиш учун сўровномалар юбориши мумкин. Масалан Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда солиқ текширувига солиқ текшируви натижасидан манфаатдор бўлмаган эксперт, таржимон ва холислар жалб этилиши мумкин.

### **1.7 Текширув ўтказиш дастурини тузиш қоидалари ва уни тасдиқлаш**

Текширув олдидан таҳлил қилиш асосида текшириладиган масалаларнинг тахминий рўйхати (текшириш дастури) шаклланади. Дастур корхонанинг тармок хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда солиқлар ва йиғимлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари аниқланиши эҳтимоли кўпроқ бўлган солиқ тўловчининг молиявий-хўжалик фаолияти соҳаларини камраб олиши керак.

Хўжалик юритувчи субъектларда солиқ қонунчилигига риоя қилиниши ва бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга оширилиши юзасидан текширув ўтказиш дастурига текшириладиган объектнинг ҳуқуқий асослари, тузилиши ва фаолияти бўйича текширилиши лозим бўлган масалалар киритилиши зарур. Улар қўлланмада батафсил келтирилган.

Текшириш ўтказиш дастурига хўжалик юритувчи субъектларнинг ташқи-иқтисодий фаолият ва ўтказилган экспорт-импорт операциялари натижалари бўйича текширилиши лозим бўлган масалалар ҳам киритилиши зарур. Ушбу масалалар Давлат солиқ қўмитасининг “Валюта ва экспорт-импорт операцияларини назорат қилиш” Бош бошқармаси ва унинг жойлардаги қуйи тизилмалари ходимлари томонидан текширилади. Ушбу бошқарма ходимлари томонидан текширувлар натижаси бўйича аниқланган солиққа оид камчиликлар бўйича тузилган хулоса ва кўрсатмаларни ўзида акс эттирган оралиқ далолатнома тузилади. (текширув дастури алоҳида тақдим этилади).

## **II. ЖОЙИДА ТЕКШИРИШ ЎТКАЗИШ**

### **2.1 Солиқ текширувининг бошланишида амалга ошириладиган дастлабки ишлар**

Жойида, яъни текширув тайинланган хўжалик юритувчи субъектлар (тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари)нинг ҳузурига борган ҳолда ўтказиладиган солиқ текширувлари мазкур хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти текшируви (тафтиши) ва қисқа муддатли текширув шаклида амалга оширилади.

Солиқ органлари мансабдор шахслари (текширувчилари) томонидан амалга ошириладиган ҳужжатли солиқ текшируви буйруқда кўрсатилган муддат оралиғида, қисқа муддатли текширишлар текширишлар эса текшириш бошланган пайтдан бошлаб саккиз соати давомида амалга оширилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти юзасидан амалга ошириладиган солиқ текширувида мазкур солиқ тўлоачи томонидан солиқлар ва мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш текширишнинг предмети ҳисобланади.

Режали текширувдан аввал, солиқ инспекторлари ҳар бир солиқ тури бўйича ҳисобот ва ҳисоб-китобларни камерал назоратдан (жойига чиқмасдан) ўтказадилар.

### **2.2 Солиқ текширувлари жараёнида қўлланиладиган усуллар**

Солиқ текшируви ўтказиладиган жараёнда Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текширувини ўтказиладиган мансабдор шахслари текшириладиган солиқ тўловчидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқиш ҳамда тўлаш билан боғлиқ ҳужжатларни талаб қилиб олишга ҳақли ҳисобланади. Бундан ташқари зарурат бўлганда, солиқ тўловчи томонидан даромадлар олиш учун фойдаланиладиган ёки солиқ солиш объектлари билан боғлиқ ҳудудларни, ишлаб чиқариш, омборхона, савдо биноларини ҳамда бошқа бинолар, шу жумладан жойларни кўздан кечирилади. Кўздан кечириш жараёнида зарур ҳолларда фото ва киносуратга олиниши, видеоёзувга туширилиши, ҳужжатлардан кўчирма нусхалар олиниши ҳам мумкин. Шу билан биргаликда солиқ тўловчининг мол-мулкни (асосий воситаларини, омбордаги сотиш учун мўлжалланган ва сотиб олинган товарларини, кассадаги нақд пул маблағлари ва қимматбаҳо қоғозларини, савдо пештахтасидаги товарларни) инвентаризациядан ўтказилади.

Солиқ текшируви ўтказиладиган жараёнда Давлат солиқ хизмати органининг солиқ текширувини ўтказиладиган мансабдор шахслари текшириладиган солиқ тўловчидан талаб қилиб олинган ҳужжатлар ва улардаги маълумотларни ўзида мавжуд маълумотлар билан солиштириши, таққослаши, ноаниқликлар (тузатилган, чатилган ҳужжатлар) бўйича солиқ тўловчи мансабдор шахсларидан тушунтириш хатлари олиши, ҳужжатларни текширишда “танлама текшириш” усулидан фойдаланиши, айрим

хужжатлар ва ҳуқуқбузарлик предметларини олиб қўйиши мумкин. Булардан ташқари зарур ҳолларда текшириш жараёналарига ҳолислар ва экспертларни жалб қилиши мумкин.

### **2.3 Солиқ текшируви жараёнида мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш**

Солиқ текширувини ўтказётган давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари, зарурат бўлганда, солиқ тўловчининг мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиши мумкин. Солиқ текширувларини ўтказиш вақтида мол-мулкни инвентаризациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва қўлланмада кўрсатиб ўтилган бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ тарзда амалга оширилади.

Инвентаризацияни, солиқ текширувини ўтказиш, солиқ тўловчилар тўғрисида бошқа манбалардан олинган маълумотлар таҳлили ва (ёки) уларнинг ҳудудлари ва жойларини кўздан кечириш жараёнида бухгалтерия ва солиқ ҳисобида акс эттирилмаган товар-моддий бойликлар, асосий воситалар ёки бошқа мол-мулк мавжуд ёхуд бухгалтерия ва солиқ ҳисоби ҳужжатларида тегишли маълумотлар бўлгани ҳолда ушбу мол-мулк ва қимматликлар мавжуд эмас деб тахмин қилишга асос бўлганда, шунингдек бошқа зарур ҳолларда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Қ

Инвентарлашнинг асосий мақсадлари мол-мулкнинг ҳақиқатда мавжудлигини аниқлаш, ҳақиқатда мавжуд мол-мулкни бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан қиёслаш, мажбуриятлар ҳисобда тўғри акс эттирилганлигини текширишдан иборатдир.

### **2.4 Касса ва касса операцияларини тафтиш қилиш.**

Кассада тафтиш вақтида камомад ёки ортиқча бойликлар аниқланганда далолатномада камомад ёхуд ортиқча сумма ва уларнинг пайдо бўлиш ҳолатлари кўрсатилади.

Текширув солиқ инспекторлари томонидан корхонанинг бош ҳисобчиси ва кассирнинг бевосита иштирокида ўтказилади. Текширув бошланиши олдида солиқ инспекторлари кассирдан унинг кассадаги нақд пул маблағлари ва қимматли қоғозларнинг ҳаракат тўғрисидаги охириги ҳисоботни ва ҳамма расмийлаштирилган ҳужжатларни талаб қилиб олишлари лозим. Солиқ инспектори унга тақдим этилган ҳар – бир ҳужжатни қонунийлиги, бажарилган хўжалик операцияларининг ҳақиқийлиги, айниқса кассадан берилган пуллар, ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги, раҳбар ва бош ҳисобчи каби мансабдор шахслар томонидан берилган рухсатномаларда имзоларининг мавжудлиги ва пул олган шахслар ҳақида маълумотлар тўлиқ ёзилганлиги, уларнинг ҳам аниқ қўйилган имзолари борлиги нуктаи назардан синчковлик билан текшириб кўриши керак.

Касса ҳужжатларини ҳисоб-китоб ҳужжатлари билан ўзаро боғлиқликда текширилиши ҳар ҳил ташкилотлар ва шахслар билан амалга оширилган ноқонуний ёрдам берилишини, корхона учун керак бўлмаган буюмларни сотиб олиниши, нақд пул

сарфларини асосланмаган ҳолда ишлаб чиқариш харажатларига киритилиши каби конунбузарликларни аниқлаш имконини беради.

## **2.5 Тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи ва харажатлар таркибини текширишнинг ўзига хос жиҳатлари**

Текширув жараёнида тайёр маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи тўғри ҳисоблаб чиқарилганини текшириб, корхона соф фойдаси ҳисобига тўланадиган харажатлар чиқимларга киритилгани далиллари бор-йўқлигини аниқлаш лозим. Харажатларни асоссиз ошириш солиқ солинадиган фойда камайишига олиб келиб, давлат бюджетига зиён келтиради.

**Харажатлар ҳисобининг эҳтимолий бузиб кўрсатилиши гуруҳлари ва уларнинг сабабларини ажратиш мақсадга мувофиқдир:**

маҳсулот таннархига киритиладиган моддий харажатлар миқдори асоссиз оширилиши (пасайтирилиши), текширилаётган давр охиридаги ҳолатга кўра тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари нотўғри баҳоланиши.

Текширувчи саноат ташкилотларида харажатлар таркибини текшираётганда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш усулларини ва маҳсулот ҳақиқий таннархи калькуляцияланишини ўрганиши лозим. Текширувчи харажатларни ҳисобга олишнинг у ёки бу усули асосли қўлланилганлигини ва унинг маҳсулот таннархини тўғри белгилашга таъсирини текшириши шарт.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот иқтисодий жиҳатдан қанчалик асосли равишда баҳоланаётганини аниқлаш учун калькуляциялаш объектлари ўртасидаги билвосита харажатлар тақсимланиши усулларини ташкил этишда тўғри танлов амалга оширилганини текшириш. Масалан, саноатда меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари суммаси, моддий харажатлар миқдори ва бошқаларга пропорционал тақсимлаш усулидан фойдаланилади.

Материаллар сарфи ҳақиқий таннархи хато равишда ёки қасддан оширилганда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари сунъий равишда ошиб, маҳсулотлар реализациясидан фойда камаяди.

## **2.6 Қисқа муддатли текширувлар ўтказиш тартиби**

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган солиқ текширувларининг асосий шаклларида бири сифатида қисқа муддатли текширув солиқ тўловчининг молия-хўжалик фаолиятини текшириш билан боғлиқ бўлмаган, фақатгина унинг айрим операцияларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш ҳисобланади. Жумладан, мазкур текшириш шаклида қуйидагиларни назорат қилиш мақсадида ўтказилади:

а) фискал хотирали назорат-касса машиналарини (бундан буён – НКМ) ва пластик карточкалар бўйича тўловларни қабул қилувчи ҳисоб-китоб терминалларини тўғри қўлланилаётганлигини аниқлаш;

б) бир марталик талон ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар борлигини белгилаш;

в) солиқ хизмати органлари ваколат доирасига кирадиган, лицензиялаш қоидаларини ва айрим турдаги акциз товарларни сақлаш ва реализация қилиш, ишлаб чиқариш шароитларини ҳамда турларини ўрганиш.

## **2.7 Хўжалик юритувчи субъектларни фаолият турларига нисбатан текширишнинг ўзига хос хусусиятлари**

Ушбу бўлимда қуйидаги фаолият турлари бўйича ташкилот ва корхоналарнинг текшириш хусусиятлари батафсил ёритиб ўтилган:

Қурилиш ташкилотларини текшириш хусусиятлари

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини текшириш хусусиятлари

Лойиҳа-қидирув ташкилотларини текшириш хусусиятлари

Кичик корхоналарни текшириш хусусиятлари

Транспорт ва транспорт-экспедиторлик корхоналарини текшириш хусусиятлари

## **III. БЮДЖЕТ ВА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАР БИЛАН ҲИСОБ–КИТОБЛАРНИ ТЕКШИРИШ**

### **3.1 Хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет билан солиқлар бўйича ҳисоб-китобларини текшириш**

Солиқ органлари ходимлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет билан солиқлар бўйича ҳисоб-китобларини текширганда солиқ базаларининг тўғри аниқланганлигига, солиқ имтиёзларининг тўғри қўлланилишига, солиқ ставкалари ва солиқ суммаларининг тўғрилигига, солиқларнинг муддатида ва тўлиқ бюджетга ўтказилганлигига, бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри юритилишига, тўловлар бўйича аналитик ҳисобнинг тўғри юритилишига, бюджетга тўловлар бўйича ҳисобот маълумотларининг тўғрилиги ва асослилигига эътибор берилиши лозим.

Шунинг учун у бюджет тўловларига доир ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги ва уларнинг Ўзбекистон Республикасидаги мавжуд қонунчиликка мувофиқ ўз вақтида ўтказиб берилишини синчиклаб текшириши лозим.

Бюджетга тўланадиган тўловларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси билан, айрим тўловлар бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби билан тартибга солинади.

Солиқлар бўйича қарзлар юридик шахсларнинг бюджет олдидаги мажбурияти бўлиб ҳисобланади ва одатда, маълум санада тўланади. Солиқ қонунчилигининг тез-тез

Ўзгариши ва меъерий ҳужжатлар айрим қоидаларидаги зиддиятлар солиқларга доир ҳисоб-китобларда тасодифий хатоларни келтириб чиқариши мумкин. Солиқлар бўйича қарзлар синчиклаб текширувдан ўтказилганида аниқланиши мумкин бўлган хатолар бўйича мисоллар қўлланмада батафсил кўрсатиб ўтилган.

Ҳар бир солиққа оид қонунчилик ҳужжатида солиқ ставкаларини қўллаш, солиқ солинадиган базани аниқлаш, солиқларни тўлаш муддатлари, ҳисоботларни тайёрлаш ва ҳаказо талаблар акс эттирилади.

Солиқ мажбуриятларининг нотўғри аниқланиши катта молиявий йўқотишлар келтириб чиқаришини ҳисобга олиб, ушбу участкада текширувларни ташкил этиш ва ўтказиш технологиясига алоҳида эътибор беришлари лозим.

Фойда солиғи ва қўшилган қиймат солиғи қорхонанинг молия-хўжалик фаолиятига энг катта таъсир кўрсатиб, ҳисоб-китоб қилишда ҳам, текширув ўтказишда ҳам ҳаммадан қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шу боисдан умум давлат солиқларидан шу иккаласига батафсил тўхталиб, қолган солиқлар ва йиғимлар бўйича эса умумий текширув қоидаларини баён қиламиз.

### **3.2 Фойда солиғини ҳисобланиш жараёнини текшириш**

Фойда солиғи ҳуқуқий шахслар даромади (фойдаси)нинг бир қисмини давлат томонидан олиш йўли билан бюджетга тушириладиган маблағлар манбаларидан биридир. Фойда солиғини теширувдан ўтказиш, қоидага кўра, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- \* чораклик учун солиқ ҳисоб-китоби асосида ҳар чоракда ҳисобланган ва тўланган бўнақ тўловларни таҳлил қилиш;
- \* ҳисобот даври учун фойда солиғи ҳисоб-китобини текшириш;
- \* фойда солиғи бўйича қарзларни ҳисобот давридаги молия-хўжалик фаолияти натижалари асосида таҳлил қилиш.

Фойда солиғини текширишда белгиланган вазифалар:

- Солиқ ҳисоботлари бўйича синтетик ва аналитик счётларнинг ҳолати
- Солиқ базасини шакллантириш
- Даромад харажатларини аниқлаш ва ҳисобга олинмаган солиқ базасини аниқлаши;
- Жорий солиқ мажбуриятларини олдидаги қарзни бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларида аниқлаш;
- Йиғилган солиқларнинг суммасини бухгалтерия ҳисоботларидан аниқлаш.
- Молиявий ҳисобот шакллари класификация қилиб олиш;
- Тўлиқ ўз вақтида фойда солиғини тўланишини таъминлаш;

Фойда солиғини текшириш жараёнида қуйидаги ҳуқуқбузарликлар бўлиши мумкин:

- Солиқ базасини тўғри шакллантирмаслик (даромад харажати)
- Иқтисодий харажат таркибига белгиланмаган харажатларни киритилиши
- Солиқ имтиёзларини қоидаларини бузиш
- Шакллантирилган солиқ ажратмаларини бузиш ҳоллари

- Ички назоратнинг йўқлиги, фойда солиғини нотўғри ҳисоблашмаслиги.

### 3.3 Қўшилган қиймат солиғини текшириш

Ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хўжалик юритувчи субъектлар қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан ҳисоблашишларни текширувдан ўтказиш алоҳида ўрин эгаллайди.

Қўшилган қиймат солиғини текширувдан ўтказиш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- олдинги даврлардаги солиқ ҳисоботларини таҳлил қилиш, камчилиги кўрсатилган масалалар бўйича берилган тавсиялар бажарилишини аниқлаш;
- жорий давр учун ҚҚС счётлари бўйича қолдиқларни олдинги даврлардаги қолдиқлар билан таққослаш ва тафовутларни таҳлил қилиш;
- жорий давр учун ҳақиқий ставкаларини таққослаш ва тафовутларни таҳлил қилиш;
- ҳисобот даври учун бюджетга тўловлар тўланишини таҳлил қилиш.

Текширувчи ҚҚС ни тўлашнинг тўғрилигини текширишда моддий қийматларнинг харажати акс эттириладиган барча счётларни, тўлов топшириқлари ва бошқа тўлов ҳужжатларини назорат қилиб чиқиши лозим.

ҚҚС ни текшириш қуйидагиларни ўз ичига олинади:

- олдинги даврлардаги солиқ ҳисоботларини таҳлил қилиш, камчилик кўрсатилган масалаларни ва ушбу масалалар бўйича берилган тавсияларнинг бажарилишини аниқлаш;
- жорий давр учун ҚҚС счётлари бўйича қолдиқларни олдинги даврлар учун қолдиқлар билан таққослаш ва кала ёки гайри-оддий тафовутларни таҳлил қилиш;
- жорий давр учун ҳақиқий ставкаларми таққослаш ва катта ёки гайри оддий тафовутларни таҳлил қилиш;
- ҳисобот даври учун бюджетга тўловлар тўланишини таҳлил қилиш.

### 3.4 Акциз солиғини текшириш

Акциз солиғини текширишда текширувчи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган, амалдаги акциз солиғи белгиланган товарлар рўйхати ва акциз солиғининг ставкаларини билиши лозим. Сўнгра текширилаётган корхонада акциз тўланадиган товарлар аниқланиб, улар бўйича солиқ объекти тўғри белгиланганлиги текширилади. Шу билан бирга аудитор буюртмачиларнинг хом ашёларидан ишлаб чиқарилган товарлар бўйича ҳам акциз солиғи ҳисобланишини текшириши зарур.

Шундан сўнг ҳисобланган акциз солиғининг тўлаш муддатларига риоя қилинишини текширади. Бунда Солиқ Кодексининг 84-моддасига мувофиқ акциз солиғи бюджетга, қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ойнинг акциз тўланадиган товар реализация қилинган ўн кунлиги тугаганидан сўнг уч кундан кечиктирмай ўтказилганлиги текширилади. Шунингдек солиқ тўловчи акциз солиғи

бўйича ҳисоб-китобларни солиқ инспекциясига ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20- кунидан кечиктирмай тақдим этиб келаётганлигини аниқлаши лозим.

Шунингдек, акциз солиғи тўланишини Солиқ кодексининг 240-моддасига асосан назорати таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган, акциз тўланадиган товарлар бўйича акциз солиғини тўлаш бошқа божхона тўловларини тўлашдан олдин ёки у билан бир вақтда амалга оширилиши белгилаб қўйилган. Тўлдирилган «Божхона юк декларацияси» билан бирга тақдим этилган, тўлашга қабул қилинганлиги тўғрисида банк белгиси бўлган тўлов топшириқномаси тўловчи томонидан акциз солиғи тўланганини тасдиқлайди.

### **3.5 Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни текшириш**

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғини ва уларни текширишда қуйидагиларни билиш зарур:

- жисмоний шахсларнинг даромад солиғини текширувдан ўтказишнинг мақсад ва вазифалари;
- жисмоний шахсларнинг даромад солиғини текширишда қўлланиладиган асосий ҳужжатларнинг таркиби;
- жисмоний шахсларнинг даромад солиғини текшириш ўтказишнинг кетма-кетлиги;
- жисмоний шахсларнинг даромад солиғини текширишдан ўтказишда аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг турлари;

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғини текширишнинг асосий мақсади ушбу солиқ турининг солиқ қонунчилигига талабига асосан тўғри ҳисбланиши ва ўз вақтида тўланиши назорат қилишдан иборат.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи текширувини ўтказиш жараёнида қуйидаги ҳуқуқбузарликлар бўлиши мумкин:

- солиқ базасини тўғри шакллантирмаслик (даромад харажати)
- иқтисодий харажат таркибига белгиланмаган харажатларни киритилиши
- солиқ имтиёзларини қойдаларини бузиш
- шакллантирилган солиқ ажратмаларини бузиш ҳоллари
- ички назоратнинг йўқлиги, жисмоний шахсларнинг даромад солиғини нотўғри ҳисоблашмаслиги.

Жисмоний шахснинг йиллик умумий даромадига меҳнат ҳақи шаклида олинган даромадлар, жисмоний шахслар мулкidan оладиган даромадлари ва тадбиркорлик фаолиятдан олинган ялпи даромад киради.

Иш ҳақидан даромад солиғининг тўғри ушланганлигини текширишда Солиқ Кодекси моддалари ва улар бўйича киритилган қўшимча ҳамда ўзгартишлардан фойдаланиш тавсия қилинади.

### **3.6 Мол-мулк ва ресурс солиқларини текшириш**

Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджетга ҳисобланган ва тўланган мол-мулк ва ресурс солиқларини текшириш жараёни қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- солиқларнинг тўғри ҳисобланиши текшириш;
- солиқ ларнинг бюджетга муддатида ва тўлиқ ўтказилишини текшириш;
- солиқлар ҳисобининг тўғрилигини текшириш;
- текшириш натижаларини расмийлаштириш.

**Мол-мулк солиғини текшириш.** Бу солиқ корхоналарни мавжуд активлардан самарали фойдаланишга ва кераксиз мулклар тўпланиб қолишига йўл қўймасликни рағбатлантириш учун жорий қилинган. Бу солиқни солиққа тортиладиган мулки, банкда муддатсиз депозит счёти бўлган ва мустақил балансдаги ҳуқуқий шахслар тўлайди.

Солиқ ставкаси корхонанинг балансидаги асосий воситалар (лизинг шартномаси бўйича олинганлари ҳам қўшилган) ва номоддий активларнинг эскириши айрилмаган ўртача йиллик қолдиқ қийматига нисбатан қўлланилади.

Табиий офат ёки бошқа сабабларга кўра йўқолган мол-мулклар бўйича солиқ ундириш улар йўқ қилинган ёки бутунлай вайрон бўлган ойдан бошлаб тўхтатилади.

Мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларнинг тўғри қўлланилиши ва тўлов муддатларига риоя қилиниши ҳам текширилиши зарур.

**Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни текшириш.** Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни текширишда, аввало, солиқ солиш объектларининг тўғрилигини аниқлаш зарур. Бунда солиқ солиш объектларининг Солиқ Кодексига мувофиқ келишини текширади. Сўнгра ушбу солиқ ставкаларининг тўғри қўлланилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ер остидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларига мувофиқ аниқланади. Бунда текширувчи ушбу солиқ бўйича белгиланган имтиёзларни ҳам назарда тутиши керак. Сўнгра текширувчи ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг тўғрилигини ҳам аниқлаши лозим. Бунда у солиқ тўловчилар томонидан ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобларни солиқ органларига тақдим этиш тартибига риоя қилинганлигини Солиқ Кодексининг IX бўлим. Ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар (42-46-боблар, 242-256-моддалар) мувофиқ текширади.

**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни текшириш.** Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни ўз фаолиятида сувдан фойдаланувчи ҳуқуқий шахслар тўлайдилар. Бу солиқни текширишда солиқ солиш объектининг Солиқ Кодексининг 258-моддасига мувофиқлиги аниқланади. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган амалдаги солиқ ставкалар ва Солиқ Кодексининг 261-моддасига мувофиқ сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқ бўйича имтиёзларнинг тўғри қўлланилиши текширилади. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммасини ҳисоблаб чиқариш тартиби ва ҳисоб-китобларни солиқ органларига тақдим этиш ва солиқни тўлаш муддатларига риоя қилинишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

### **3.7 Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида тўланадиган солиқларни текшириш**

#### **Ягона солиқ тўловини текширишда белгиланган вазифалар:**

- Солиқ ҳисоботлари бўйича синтетик ва аналитик счетларнинг ҳолати;
- Солиқ базасини шакллантириш;
- Даромад харажатларини аниқлаш ва ҳисобга олинмаган солиқ базасини аниқлаши;
- Жорий солиқ мажбуриятларини олдидаги қарзни бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларида аниқлаш;
- Йиғилган солиқларнинг суммасини бухгалтерия ҳисоботларидан аниқлаш;
- Молиявий ҳисобот шакллари класификация қилиб олиш;
- Тўлиқ ўз вақтида ягона солиқ тўловини тўланишини таъминлаш;

#### **Ягона ер солиғини текшириш.**

#### **Ягона ер солиғини текширишда белгиланган вазифалар:**

- солиқ ҳисоботлари бўйича синтетик ва аналитик счетларнинг ҳолати;
- солиқ базасини шакллантириш;
- даромад харажатларини аниқлаш ва ҳисобга олинмагансолиқ базасини аниқлаши;
- жорий солиқ мажбуриятларини олдидаги қарзни бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларида аниқлаш;
- солиқларнинг суммасини бухгалтерия ҳисоботларидан аниқлаш;
- молиявий ҳисобот шакллари класификация қилиб олиш;
- тўлиқ ўз вақтида ягона ер солиғини тўланишини таъминлаш;

### **3.8 Мақсадли жамғармаларга тўловларни текшириш**

Ушбу бўлимда Пенсия жамғармаси, Республика Йўл жамғармаси ва Мактаб таълимини ривожлантириш мақсадли давлат жамғармаларига тўловларини текшириш тартиби батафсил ёритиб берилган.

## **IV. СОЛИҚ ТЕКШИРУВИ ЯКУНИ ВА НАТИЖАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

### **4.1 Солиқ текширувининг якунланиши ва солиқ текшируви далолатномасининг тузилиши**

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолияти бўйича ўтказилган солиқ текширувлари, жумладан, хужжатли текширув (тафтиш) ҳамда қисқа муддатли текширувлар якунида, солиқ хизмати органининг мансабдор шахси (текширувчи) томонидан камидан уч нусхадан иборат бўлган солиқ текшируви далолатномаси тузилади. Мазкур далолатномада текширув давомида аниқланган солиққа оид ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг хужжатлар билан тасдиқланган далиллари изчил баён этилиши ёки улар мавжуд эмаслиги кўрсатилиши, шунингдек Солиқ кодексининг аниқ моддалари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар кўрсатилган ҳолда аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этишга доир текширувчиларнинг хулоса ва таклифлари қайд этилиши керак.

Солиқ текшируви якунланганда солиққа оид ва бошқа қонунбузарликлар аниқланмаса, солиқ текшируви далолатномасида бу ҳақда ҳам тегишли ёзув қайд этилади.

### **4.2 Солиқ текшируви натижаларини расмийлаштириш**

Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахслари томонидан солиқ текшируви натижалари бўйича тузиладиган далолатномада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

- текширув ўтказилган жой, далолатнома тузилган сана;
- текширув ўтказиш учун асос;
- текширув тури ва уни ўтказиш даври;
- давлат солиқ хизмати органининг текширувни ўтказган мансабдор шахсларининг фамилияси, исми, отасининг исми;
- якка тартибдаги тадбиркорнинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- юрidik шахснинг тўлиқ номи, текширув даврида раҳбарлик вазифаларини ёки бухгалтерия ҳисоби юритиш вазифаларини амалга оширган мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми;
- солиқ тўловчининг жойлашган ери (почта манзили), банк реквизитлари, шунингдек унинг идентификация рақами;
- илгариги текширув тўғрисидаги маълумотлар;
- текширилаётган солиқ даври ва текширув ўтказиш учун солиқ тўловчи томонидан тақдим этилган хужжатлар тўғрисидаги умумий маълумотлар;
- солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликнинг (у мавжуд бўлганда) солиқ тўғрисидаги қонун хужжатларининг тегишли нормасига ҳавола этилган ҳолдаги муфассал тавсифи;
- текширув натижалари бўйича фикрлар ва хулосалар.

Агар солиқ текшируви тугалланганида солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги аниқланган бўлмаса, бу ҳақда солиқ текшируви далолатномасида қайд этилади.

#### **4.3 Солиқ текшируви далолатномасига илова қилинадиган ҳужжатлар**

Ушбу бўлимда солиқ текшируви далолатномасига илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати келтирилган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

##### **1-илова**

**Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати**

##### **2-илова**

**Нақд пул маблағларини инвентарлаш далолатномасининг намунавий шакли**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ**

# **СОЛИҚ ҚАРЗИ ВА УНИ УНДИРИШ**

*бакалавриат таълим йўналишлари учун*

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ**

**Ўзбекистон Республикаси солиқ маъмурчилигини  
такомиллаштириш лойиҳаси**

**Тошкент 2010**

Ушбу ўқув қўлланмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи  
**и.ф.н., доц. Гадоев Эркин Файзиевич** таҳрири остида тайёрланди.

**А.Тангирқулов, А.Хомма, Ш. Тошматов, И.Норкузиев, Н.Розиқов**

Солиқ қарзи ва уни ундириш: Ўқув қўлланмаси /Ҳаммуал.: А.Тангирқулов,  
А.Хомма, Ш. Тошматов, И.Норкузиев, Н.Розиқов – Т.: “\_\_\_\_\_” нашриёти  
– 2010. – \_\_\_\_ бет.

Мазкур ўқув қўлланмасида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ амалдаги солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича қарздорликнинг вужудга келиши ва ундирилиш тартиби ёритилган ҳамда Япониянинг солиқ қарзини ундиришдаги илғор тажрибаси баён этилган.

Ўқув қўлланмаси бакалавриат 5340800 – “Солиқлар ва солиққа тортиш” таълим йўналишида ўқиётган олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган.

Такризчилар:

**Ҳайдаров Н.Х.**–иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Тўхлиев Б. К.** – иқтисод фанлари номзоди, доцент.

## Кириш

Мамлакатимизда иқтисодийни модернизациялаш шароитида амалга оширилаётган солиқ соҳасидаги ислохотларда асосий эътибор тадбиркорлик субъектлари иқтисодий фаолиятини солиқлар воситасида рағбатлантиришга қаратилгандир, лекин шу билан бирга солиқларнинг асосий фискал функциясини бажарилиши кўп жиҳатдан ҳисобланган солиқларнинг бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида ундирилиш жараёнлари билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси бош Қомуси - Конституциясида фуқароларнинг бурч ва мажбуриятларидан бири сифатида қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашнинг мажбурийлиги белгилаб қўйилган.

Солиқ тўловчилар томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз муддатида ва тўлиқ ҳажмда тўламасликлари натижасида солиқ қарзи вужудга келади. Ушбу қарзни ундириш учун солиқ хизмати идоралари ходимларидан етарли даражада билим, кўникма ва малакага эга бўлишларини талаб этади. Бу эса ўз навбатида, солиқ солиш соҳасида таҳсил олаётган талабалар учун солиқларни ундириш муносабатларига доир назарий билим ва амалий кўникмаларни эгаллашлари лозимлигини кўрсатади.

Мазкур «Солиқ қарзи ва уни ундириш» ўқув қўлланмаси бакалаврият босқичидаги талабаларга, шунингдек малака ошириш курсларида ўқитилаётган солиқ идоралари ходимларининг солиқ қарзини юзага келиши ва уни ундириш жараёнларини ташкил этиш билан боғлиқ назарий ва амалий билим ҳамда кўникмалар беришга қаратилган. Ўқув қўлланмаси камчиликлардан ҳоли эмас, фикр ва мулоҳазаларини изҳор этадиган китобхонларга олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

Ушбу ўқув қўлланмаси Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈСА) томонидан таъсис этилган “Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш” Лойиҳаси доирасида ЈСА, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Солиқ академияси ва Тошкент солиқ коллежи мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ томонидан тайёрланди.

## М У Н Д А Р И Ж А

1. “Солиқ қарзи ва уни ундириш” махсус ўқув курсининг мақсад, вазифалари ва зарурияти .....
2. Солиқлар ва мажбурий тўловларни ундиришнинг ҳуқуқий асослари....
3. Давлат солиқ хизмати органларининг солиқларни ундиришдаги ваколатлари .....
4. Солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатлари ва тартиби .....
5. Солиқ қарзининг вужудга келиш сабаблари ва уларни олдини олиш бўйича чоралар .....
6. Хўжалик юритувчи субъектлардан солиқ қарзини ундириш тартиби ...
7. Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бўйича қарздорликни ундириш .....
8. Солиқ қарзини ундиришнинг Япония тажрибаси .....
9. Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлигини ҳисоблаш дастурий маҳсули .....

**1-мавзу: “Солиқ қарзи ва уни ундириш” махсус ўқув курсининг мақсад, вазифалари ва зарурияти.**

**1. Ўқув курсининг мақсади ва вазифалари, солиқларни ундириш ҳақида тушунчалар ва уларнинг моҳияти.**

“Солиқ қарзи ва уни ундириш” махсус ўқув курсини ўқитишдан мақсад - талабаларда солиқлар бўйича қарздорликларни келиб чиқиш сабаблари, солиқ қарзини ундириш тартиби, солиқ қарзларини мажбурий ундиришда амалиётда учрайдиган муаммоларни бартараф этиш, солиқларни ундиришда дуч келинадиган асосий тушунчалар ва атамаларни қўлланилишини ўрганиш бўйича билим, кўникма ва малакаларни шакллантиришдир.

Ўқув курсининг вазифаси - талабаларни солиқ қарзини ундириш усулларини мукамал ўзлаштириб олишга ўргатишдан иборат.

Қўлланмада қуйидаги тушунчаларнинг таърифи ҳам берилган:

**Солиқ тўловчилар**

**Солиқ агентлари**

**Солиқ тўловчининг вакиллари**

Солиқ тўловчилар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаши мажбурияти пайдо бўлади. Ушбу мажбуриятни солиқ тўловчилар мустақил равишда, ҳамда ваколатли органлар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Ваколатли органлар қуйидагилардир:

**1) Давлат солиқ хизмати органлари**

**2) божхона органлари**

**3) молия органлари**

4) бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлари. Демак, солиқлар ва мажбурий тўловлар солиқ агентлари ва ваколатли органлар томонидан ундирилади.

**2. Солиқларни ундириш зарурияти ва чоралари.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг 90 %дан ортиқ қисми айнан солиқлар ҳисобидан шаклланиши маълум. Солиқлар ва мажбурий тўловларнинг ўз муддатида ва тўлиқ ҳажмда тушиши давлат миқёсида амалга оширилаётган барча чора-тадбирларнинг, яъни бюджет ва мақсадли жамғармаларнинг харажат қисмини ўз вақтида молиялаштиришга хизмат қилади.

Ўз навбатида, ушбу маблағларнинг муддатида ва тўлиқ ҳажмда тегишли бюджет ва мақсадли жамғармаларга келиб тушмаслиги, давлатнинг маълум давр учун белгиланган харажатларини амалга оширишига тўсқинлик қилиши мумкин.

Юқорида таъкидланганидек, солиқ тўловчилар ўзларига юклатилган “солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаш” мажбуриятларни тегишли равишда белгиланган муддатда ва тўлиқ амалга оширишлари шарт. Лекин солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича бажарилмаган мажбуриятлари бўлган солиқ тўловчи томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни Солиқ кодексига белгиланган тўлаш муддатидан кечиктирмай уларни хизмат кўрсатаётган банкка тўлаш учун (ҳисобварағида пул маблағлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъий назар) тўлов топшириқномасини тақдим этмаслик ҳолатлари ҳам учрайди. Буни бир неча сабаблар билан изоҳлаш мумкин:

- солиқ тўловчи ўз мажбуриятини билмаслиги;
- солиқ тўловчи ҳисоб рақамида маблағнинг йўқлиги;
- қасддан солиқ тўламаслик;
- солиқ тўловчи соғлигининг ёмонлашуви;
- солиқ тўловчи узоқроқ сафарда бўлиши;
- бошқа сабаблар.

## **7 та назорат саволлари**

### **2-мавзу: Солиқлар ва мажбурий тўловларни ундиришнинг ҳуқуқий асослари**

#### **1. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундиришнинг ҳуқуқий тартибга солиниши**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасига биноан фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурлиги белгилаб қўйилган.

Амалдаги Солиқ кодексининг 6-моддаси “Солиқ солишнинг мажбурийлиги принципи”да келтирилишича: “Ҳар бир шахс Солиқ кодексда белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши шарт”.

Солиқ қонунчилигига мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмалари солиқ тўловчилардир.

Уларга юклатилган мажбуриятлар қўлланмада санаб ўтилган.

#### **2. Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олишга оид амал қилган ҳужжатлар.**

Республикамизда муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни мажбурий ундирувга доир дастлабки ҳужжат бу 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида"ги Қонуни ҳисобланади.

Ушбу қонунда белгиланган муддатда тўланмаган солиқларни, давлат бюджетига ҳамда бюджетдан ташқари давлат жамғармаларига бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш, солиқ қарздорликлари ва унга нисбатан пеня ҳисобланиши ҳамда корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан солиқлар бўйича қарздорликларни сўзсиз ундириб олиш юзасидан амалга ошириладиган ҳолатлар, давлат бюджети даромадига, бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармалари ҳисоб варағига тўловлар банкнинг айби билан ўз вақтида ўтказилмаганлиги учун пеня тўлаши, солиштирув далолатномаси мавжуд бўлган тақдирда солиқ қарздорлиги бўйича ундирувни дебиторларга қаратиш ва бошқа ҳолатлар белгилаб қўйилган эди. Ушбу Қонун, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қабул қилиниши муносабати билан, ўз кучини йўқотди.

### **3. Ҳозирги кунда муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни ундиришга асос бўладиган ҳужжатлар.**

Муддатида тўланмаган солиқларни ундириш билан боғлиқ бўлган қонун ҳужжатларида асосан солиқ органларининг ҳуқуқлари, солиқ тўловчиларнинг мажбуриятлари белгилаб берилган.

Қонун ҳужжатлари, солиқ қарзини мажбурий ундирувдаги аҳамияти жиҳатидан кўриб чиқилса, авваламбор Ўзбекистон Республикасининг 29 август 1997 йилдаги “Давлат Солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунига тўхталиб ўтишни тақазо қилади. Ушбу қонун билан белгиланган Давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқларидан бири, солиқ тўловчига мажбуриятини бажариши зарурлиги ҳақида ҳамда солиқ қарзини мажбурий ундириш юзасидан кўриладиган чоралар тўғрисида талабнома юбориш ваколати ҳисобланади.

Солиқ қарзини мажбурий ундирув билан боғлиқ бўлган яна бир аҳамиятли ҳужжат бу Солиқ кодекси ҳисобланади. Солиқ кодексида солиқ қарзини мажбурий ундиришнинг барча жараёнлари ўз аксини топган ва бу ҳақда кейинги ўринларда батафсил тўхталиб ўтилади.

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан мажбурий ундирув чоралари кўрилгандан сўнг ҳам солиқ қарзига эга бўлган корхоналар томонидан қарздорликни узиш чоралари кўрилмаган тақдирда, бу корхоналарга Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунига белгиланган чоралар кўрилади.

"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Суд ижро департаменти томонидан Суд органларининг ҳал қилув қарори ёки буйруқлари асосида солиқ қарзини қарздорнинг мол-мулки ҳисобидан ундириш бўйича тегишли чоралар кўрилади.

### **5 та назорат саволлари:**

**3-мавзу: Давлат солиқ хизмати органларининг солиқларни ундирувдаги роли**

## **1. Давлат солиқ хизмати тизимининг солиқларни ундирувдаги роли тўғрисида умумий тушунча.**

Солиқларни ундириш ҳар бир давлатнинг бу борада қабул қилган қонунчилиги асосида амалга оширилади. Қонунчиликда, биринчи навбатда солиқларни ундирувчилар ва солиқ тўловчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлар белгиланади. Солиқларни тўлаш умуммажбурий ҳисобланади.

Бошқа давлатлар каби мамлакатимизда ҳам солиқларни ундирувчи давлат органи, унинг мажбурият ҳамда ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Солиқ хизмати тўғрисида»ги ва «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунлари ҳамда «Солиқ кодекси» билан белгилаб берилган бўлиб, асосий вазифа бажарувчиси бўлиб Давлат солиқ хизмати органлари ҳисобланади.

Давлат солиқ қўмитаси ва унинг Қорқалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлардаги Давлат солиқ бошқармалари, уларнинг таркибидаги шаҳар ва туман Давлат солиқ инспекциялари (солиқ хизмати тизими) солиқ ва мажбурий тўловларни бюджет ва бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига ундириб берувчи давлат органи ҳисобланади.

Худудий Давлат солиқ инспекциясининг республика ва маҳаллий бюджетлари, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармасига солиқ ҳамда мажбурий тўловларни ундириш тартиби Ўзбекистон Республкасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Солиқ кодекси билан белгилаб берилган.

Шунингдек, солиқ қарзини мажбурий ундирув билан боғлиқ бўлган ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга йўналтириладиган йиғимлар ва боғлар миқдорини тартибга солувчи бошқа қонун ҳужжатлари ижроси назорати ҳам солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

## **2. Солиқ мажбуриятларини бажарилиши устидан Давлат солиқ хизмати назорати.**

Давлат солиқ хизмати органлари назорати, солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбурияти юзага келгандан кейин, қонунчиликда белгиланган тадбирлар ижроси бўйича амалга оширилади.

Солиқ тўловчининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ юзага келадиган мажбурияти солиқ мажбурияти деб эътироф этилади.

Солиқ мажбуриятини бажариш учун солиқ тўловчи:

худудий Давлат солиқ инспекциясида ҳисобга туриши;

солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаши ҳамда уларнинг ҳисобини юритиши;

молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши ҳамда уни худудий Давлат солиқ инспекциясига тақдим этиши;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаши шарт.

Солиқ мажбуриятини бажариш бевосита солиқ тўловчи томонидан амалга оширилади, лекин истисно тариқасида Солиқ кодексига ва бошқа қонунларга мувофиқ солиқ мажбуриятини бажариш бошқа шахсга юклатилиши ҳам мумкин.

Солиқ мажбурияти бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, солиқ тўловчига нисбатан Солиқ кодексда назарда тутилган тартибда унинг бажарилишини таъминлаш чоралари қўлланилади.

Солиқ хизмати органларига биринчи навбатда, солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўланишини назоратини амалга ошириш вазифаси юклатилган.

## **3. Солиқларни ундиришда Давлат солиқ хизмати органларининг банк муассасалари ва бошқа органлар билан ҳамкорлиги**

Солиқларни ундиришда худудий Давлат солиқ инспекциясининг банк ва бошқа кредит муассасалари билан ҳамкорлиги талаб этилади, ўзаро ҳамкорликнинг асосий қисми солиқларни ундириш масалаларига тўғри келади.

Биринчидан, солиқ тўловчиларнинг ҳисобга олинишини ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш мақсадида банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари хўжалик юритувчи субъектлар худудий Давлат солиқ инспекциясида рўйхатга олинганликларини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этган тақдирдагина улар учун ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақлари очишлари мумкинлиги белгиланган.

Иккинчидан, фаолиятини тугатаётганда ёки бошқа сабабларга кўра банк муассасидаги асосий ҳисоб рақамини ёпиш учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан муурожаат қилинганда, бу субъектларнинг бюджет олдиданги ўз

мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисида ҳудудий Давлат солиқ инспекциясининг ҳулосаси тақдим этилган тақдирдагина уларнинг ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларини ёпишларига руҳсат берилади.

Учинчидан, ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси томонидан муддатида тўланмаган солиқ ва жарималарни сўзсиз ундириш тўғрисидаги фармойишлари (инкассо топшириқлари) банк муасасалари томонидан, меҳнатга ҳақ тўлаш ва унга тенглаштирилган бошқа тўловларга мутаносиб равишда бажарилиши лозим.

Тўртинчидан, банк муасасалари солиқ қарзи мавжуд бўлган мижозларининг ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобварағидан маблағларни ҳисобдан чиқариш операцияси амалга оширилган кун, мижознинг солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳамда жарима суммаларини бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар даромадига ўтказилади.

Бешинчидан, юридик шахсларнинг сўмдаги маблағлари етишмаган ва валюта ҳисобварағида маблағлари мавжуд бўлган тақдирда, ҳудудий Давлат солиқ инспекциясининг тақдимномасига кўра мазкур валюта маблағларини бюджет олдидаги қарзни тўлаш учун зарур бўлган ҳажмда сотув кундаги Марказий банк томонидан белгиланган курс бўйича валюта биржасига сотиш ва маблағларни бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалардан бўлган солиқ қарзини сўндиришга йўналтирилади.

#### **4 та назорат саволлари**

#### **4-мавзу. Солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатлари ва тартиби**

##### **1. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар.**

Амалдаги солиқ қонунчилигига биноан мамлакатимизда қуйидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар амал қилади.

Умумдавлат солиқларига қуйидагилар киради:

- 1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) акциз солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
- 7) ягона солиқ тўлови;
- 8) тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

Маҳаллий солиқларга қуйидагилар киради:

- 1) мол-мулк солиғи;
- 2) ер солиғи (ягона ер солиғи);
- 3) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;

4) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

Бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:

1) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:

ягона ижтимоий тўлов;

фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;

2) Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар:

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;

Республика йўл жамғармасига йиғимлар;

3) давлат божи;

4) божхона божлари ва йиғимлари;

5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

**2. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлаш муддати ва тартиби.**

Ушбу бўлимда жадвал шаклида республикамізда амалда бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳисоботларни тақдим этиш ва солиқларни тўлаш муддатлари акс эттирилган.

## **6 та назорат саволлари**

### **5-мавзу. Солиқ қарзининг вужудга келиш сабаблари ва уларни олдини олиш бўйича чоралар**

#### **1. Солиқлар бўйича қарздорликнинг вужудга келиш сабаблари**

Ўзбекистон Республикасида амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган солиқ ва йиғимларни мудатида бюджетга ўтказиб бермаса ёки тўлашдан бўйин товласа у ҳолда, ушбу хўжалик юритувчи субъект бюджет олдида солиқ қарздорлигига эга бўлади.

Солиқ қарзи тушунчаси республикамізда дастлаб 2008 йил 1 январгача амал қилган Ўзбекистон Республикасининг «Муддатида тўланмаган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириб олиш тўғрисида»ги қонуннинг 2 – моддасидага асосан қуйидагича изоҳланган “Тегишли тўловларнинг белгиланган тўлов муддатлари тугагач, тўланмаган сумма солиқ қарзи ҳисобланади ва у, башарти қонун ҳужжатларида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, пенясини қўшиб ҳисоблаган ҳолда ундириб олинади”.

Аммо ҳозирги кунда амалда қўлланилаётган Солиқ кодексида солиқ қарзига қуйидагича таъриф берилган: “Солиқ қарзи – солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси, шу жумладан Солиқ кодексида белгиланган муддатида тўланмаган молиявий санкциялар”.

Солиқ қарзлари содир булишини қуйидаги омиллар таъсирида вужудга келишини назарий жиҳатдан асослаш мумкин:

- ўзаро молиявий - хўжалик муносабатда булган хўжалик субъектлари томонидан тўлов интизомига риоя қилмаслик ва бунинг оқибатида дебиторлик, кредиторлик қарзларини ошиб кетиши;

- молиявий - хўжалик фаолиятни режалаштиришда ва режалаштирилган фаолиятни нотўғри бошқариш;

- хўжалик субъектнинг маҳсулотига (бажарилган иш ва хизматларга) истеъмол талабининг кескин ўзгариши;

- ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (бажарилган иш ва хизматларнинг) сифати буюртмачини ёки бозорни талабига жавоб бермаслиги;

Солиқ тўловчи томонидан бюджет олдида солиқ қарзини вужудга келишининг энг асосий сабабларидан бири - корхонанинг молиявий ҳолатининг барқарор эмаслиги, шу жумладан дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ошиб боришидир.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги солиқ қарздорлигининг вужудга келишига кўра 2 турга бўлинади:

- умидсиз қарз суммалари;
- жорий солиқ қарзлари.

## **2. Солиқ қарзи суммаларини пайдо бўлишига йўл қўйиш ҳолатларини олдини олиш юзасидан амалга ошириладиган тадбирлар**

Солиқ қарзини мажбурий ундиришда қуйидаги қўшимча чора-тадбирлар амалга оширилиши мумкин:

1) Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодексининг 102-103-моддалари асосида Суд буйруғи бериш бўйича ариза киритилиши мумкин.

2) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 21 июнда 753-рақам билан рўйхатга олинган «Ҳисобварақларида хорижий валюта маблағлари бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги мажбуриятларини тўлаш тартиби»га мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобварақларида миллий валютада маблағлари бўлмаган ва ҳисобварақларида чет эл валютасида маблағлари бўлган пайтда Давлат солиқ хизмати органлари хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатувчи банкларга бутун қарз суммасига инкассо топшириқномаларини кўяди.

3) Солиқ органлари томонидан киритилган даъво аризаси суд томонидан ўз вақтида кўриб чиқилмаган, рад этилган, қисман қаноатлантирилган ёки қаноатлантирилмаган ҳолларда белгиланган тартибда юқори инстанция судларига апелляция ва кассация шикоятлари киритади;

-суд қарорларини ижро қилиш бўлимлари томонидан ижросиз қайтарилган ижро ҳужжатлари солиқ органлари томонидан уларнинг асослилиги ўрганилиб, етарли асосга эга бўлмаган ҳолатлар бўйича қайта ижро учун юборади ва бу ҳақда тегишли суд органига тақдимнома юборади.

#### 4 та назорат саволлари

##### 6-мавзу: Хўжалик юритувчи субъектлардан солиқ қарзини мажбурий ундириш тартиби.

#### 1. Солиқ қарзларини ундириш ва ҳисобини юритишнинг амалдаги тартиби

Амалиётда шундай ҳолатлар ҳам бўладики, солиқ тўловчи юридик шахс у ёки бу сабаблар билан, яъни субъектив ёки объектив сабабларга асосан белгиланган муддатларда тўланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўлов суммасини тўлаб бера олмайди. Ушбу тўланмаган сумма солиқ қонунчилигига асосан, солиқ қарзи бўлиб ҳисобланиб, давлат солиқ идоралари томонидан мажбурий ундиришга қаратилади.

Шунингдек, амалдаги солиқ қонунчилигига асосан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатларини бузиш – тўловнинг белгиланган муддатидан кейинги кундан эътиборан муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун, тўлов куни ҳам шунга киради, 0,05 фоиз миқдорда пеня ҳисоблашга сабаб бўлади. Бунда бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммага тенг бўлган қарз суммасига пеня ҳисобланмайди.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома ёзма шаклда расмийлаштирилади ва унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми ёки тўлиқ номи;
- 2) солиқ тўловчининг идентификация рақами;
- 3) талабнома тузилган сана;
- 4) талабномани юбориш вақтида ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, пеня, жарималар бўйича қарз суммаси;
- 5) талабнома олинганидан сўнг солиқ мажбурияти бажарилмаган тақдирда қўлланиладиган мажбурий ундириш чоралари ва муддатлари;

6) дебиторлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар солиштирма далолатномасини тақдим этиш тўғрисидаги кўрсатма. Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома солиқ тўловчига ёки унинг вакилига бу талабномани солиқ тўловчи олганлигини ва талабнома олинган санани тасдиқловчи усулда топширилади. Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома почта орқали буюртма хат билан юборилган тақдирда, у буюртма хат почта жўнатмаси топширилганлиги тўғрисидаги билдириш бланкасида кўрсатилган санада олинган деб ҳисобланади.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган ва қўлланмада кўрсатиб ўтилган.

Солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларига қуйидагилар киради:

- ❖ солиқ қарзини солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақларидан сўзсиз ундириш;
- ❖ ундирувни солиқ тўловчига унинг дебиторлари ўтказиши лозим бўлган суммаларга қаратиш;
- ❖ ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш.

Ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш ҳудудий Давлат солиқ инспекциясининг даъво аризаси асосида суд тартибида амалга оширилади.

Ундирувни солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш тўғрисидаги даъво аризаси солиқ тўловчи солиқ ҳисобига қўйилган жойдаги ҳудудий Давлат солиқ инспекциясининг раҳбари ёки раҳбар ўринбосари томонидан имзоланади ва унинг шакли қўлланмада келтирилган.

Ушбу даъво аризасига қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

- солиқ қарзи борлиги тўғрисида солиқ тўловчининг мавжуд шахсий карточкаларидан кўчирма;
- солиқ тўловчининг банк ҳисобварақларида пул маблағлари йўқлиги тўғрисидаги банк маълумотномаси;
- солиқ текшируви натижалари бўйича (бундай текширув ўтказилган тақдирда) солиқ қарзи тўғрисидаги маълумотнома;
- солиқ тўловчининг охириги ҳисобот даврига доир бухгалтерия балансининг кўчирма нусхаси, бундан молиявий ҳисоботни тақдим этиш муддати ҳали келмаган, янги ташкил этилган юридик шахслар мустасно.

Ундирувни суд ҳужжатлари асосида солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратиш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда суд ижрочилари томонидан амалга оширилади.

## **2. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш тартиби**

Юридик шахсни тугатиш даврида юзага келадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни, шунингдек пеня ва жарималарни тўлаш бўйича солиқ мажбурияти юзага келишига қараб, Солиқ кодексида белгиланган муддатларда ҳамда тартибда бажарилади.

Агар тугатилаётган юридик шахсда ортиқча тўланган солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловлар суммаси бўлса, мазкур суммалар умумбелгиланган тартибда ҳисобга олиниши ёки қайтарилиши лозим.

Юридик шахснинг қайта ташкил этилиши унинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбуриятларининг бажарилишини ўзгартирмайди.

## **3. Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш тартиби**

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш вақтинчалик молиявий қийинчиликка эга бўлган корхоналарга давлат томонидан ёрдам кўрсатиш мақсадида тўлаш муддатини солиқ тўловчи қарз суммасини бир йўла ёки босқичма-босқич тўлаган ҳолда кейинроқ муддатга кўчиришдан иборатдир.

Солиқ қарзини тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан бир ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга берилади.

Охириги ҳисобот санасидаги ҳолатга кўра жорий активлар суммасининг жами 20 фоизидан ортиқ миқдордаги кўшимча ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда молиявий санкцияларни ундириш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти ой ичида солиқ қарзи ойма-ой бўлиб тўланган ҳолда амалга оширилади.

Тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш солиқ қарзининг ҳаммасига ёки унинг бир қисмига нисбатан амалга оширилиши мумкин.

## **7 та назорат саволлари.**

### **7-Мавзу: Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар бўйича қарздорликни ундириш**

#### **1. Жисмоний шахсларнинг солиқ мажбуриятлари тўғрисида тушунча**

Амалдаги Солиқ кодексга мувофиқ солиқ солинадиган даромад, мол-мулк, ер ёки бошқа солиққа тортиладиган объектларга эга бўлган жисмоний шахслар солиқ тўлаш мажбуриятига эга ҳисобланадилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан олинган даромадларига Солиқ кодексда назарда тутилган ўзига хос хусусиятлар ҳисобга олинган ҳолда уларнинг мажбуриятлари белгиланади.

#### **Солиқ мажбуриятларининг тугатилиши**

Вафот этган солиқ тўловчи – жисмоний шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти унинг мерос қилинган мол-мулкни қабул қилган меросхўри (меросхўрлари) томонидан, мерос қилинган мол-мулкнинг қиймати доирасида ва меросдаги улушга мутаносиб равишда, мерос қабул қилиб олинган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмасдан бажарилади. Вафот этган жисмоний шахс тўлаши лозим бўлган пеня ёки жарималарни тўлаш мажбурияти меросхўрга (меросхўрларга) нисбатан татбиқ этилмайди.

Вафот этган жисмоний шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича солиқ мажбурияти суммаси мерос қилинган мол-мулк қийматидан ортиқ бўлган тақдирда, вафот этган жисмоний шахснинг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловни тўлаш бўйича қарзининг қолган суммаси умидсиз қарз деб эътироф этилади.

Меросхўр бўлмаган тақдирда, вафот этган жисмоний шахснинг солиқ қарзи умидсиз қарз ҳисобланади.

## **2. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш**

Жисмоний шахсларнинг *солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома* ёзма шаклда расмийлаштирилади ва унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- 1) солиқ тўловчининг фамилияси, исми, отасининг исми ёки тўлиқ номи;
- 2) солиқ тўловчининг идентификация рақами;
- 3) талабнома тузилган сана;
- 4) талабномани юбориш вақтида ҳисобланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, пеня, жарималар бўйича қарз суммаси;
- 5) талабнома олинганидан сўнг солиқ мажбурияти бажарилмаган тақдирда қўлланиладиган мажбурий ундириш чоралари ва муддатлари;

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабноманинг шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома олинган кундан бошлаб ўн кун ичида жисмоний шахс томонидан бажарилмаган тақдирда, ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси солиқ қарзини жисмоний шахсдан ундириш тўғрисидаги ариза билан белгиланган тартибда судга мурожаат қилади.

4 та назорат саволлари

## **8-мавзу. Солиқ қарзини ундиришнинг Япония тажрибаси**

### **1. Давлат солиқларини ундириш тўғрисидаги қонуннинг тавсифи**

Япония солиқ тизимида солиқларни мажбурий ундириш “Давлат солиқларини ундириш тўғрисида”ги Қонун билан тартибга солинади.

Япония солиқ тизимида мажбурий ундириш тўғрисидаги қонуни ўзининг айрим хусусиятларига кўра 3 гуруҳга булинади:

- давлат солиқ қарзларини ундиришни таъминлаш;
- хусусий қонунчилик тартиб-қоидаларини ҳурмат қилиш;
- солиқ тўловчиларни ҳимоя қилишни келтириш мумкин.

Тўлов муддати ўтган давлат солиқларини мажбурий ундириш фақатгина давлатни молиявий таъминлаш мақсадида эмас давлат солиқлари юкини адолатли тақсимлаш нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир. Шунинг учун давлат солиқ қарзларини мажбурий ундириш чоралари сифатида амалий тарафдан давлат солиғи қарзини устувор равишда ундириш ваколати ва процессуал тарафдан сўзсиз мустақил ундириш ваколати мавжуд.

### **2. Мол-мулкни текшириш (суриштириш)**

Ундирув учун маъсул ходим мажбурий ундирув ишини олиб бориш давомида заруриятга қараб қарздорнинг мол-мулкни қидириши (текшириши) мумкин.

Мол-мулкни текшириш мажбурий ундирув қаратиладиган мулкни аниқлаш билангина чегараланмай, иккиламчи солиқ тўлаш мажбуриятини аниқлаш ва солиқ

тўлашни энгиллаштириш тизими шартларини ўрганиш кабилар учун ҳам муҳим процедура ҳисобланади

Мажбурий ундирувни амалга ошириш учун ундирув учун маъсул ходимга сўрок қилиш ва текшириш, тинтув ўтказиш ваколатлари берилган. Мазкур ваколатлар жиноий қидирув ишларидаги ваколатлар деб тушунилмади.

### **3. Мол-мулкни хатлаш**

Солиқ тўловчи давлат солиқларини муддатида тўламаган тақдирда мажбурий ундириш тўғрисидаги қонунга асосан ундирув солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратилсада, бу жараённинг биринчи босқичи сифатида мол-мулкни хатлаш амалга оширилади.

Хатлаш натижасида мулкка эгалик ҳуқуқи давлатга ўтмайди. Шунинг учун хатлаш жараёнида табиий офат ва бошқа энгиб бўлмас куч оқибатида хатланаётган мулкка зарар етса ушбу зарар қарздорга тегишли бўлади.

Одатда талабнома юборилган кундан бошлаб 10 кун ичида талабномада белгиланган давлат солиғи қарзи тўланмаса мол-мулкни хатлаш процедураси бошланади.

### **4. Солиқ тўлаш мажбуриятининг кенгайтирилиши**

Солиқ қонунчилигида солиқ тўлаш мажбуриятининг кенгайтирилиши алоҳида белгиланган.

Солиқ тўлаш мажбуриятининг кенгайтирилиши деганда солиқ тўловчидан давлат солиқ қарзини ундириш қийин бўлган ҳолларда солиқ тўловчининг маълум бир мулки бўйича маълум бир равишда боғлиқ бўлган учинчи шахсдан давлат солиғини ундирса ҳам адолат бузилмайди деб топилганда шу учинчи шахсга солиқ тўловчининг солиқ тўлаш мажбуриятини юклаш орқали давлат солиғини ундириш тизими тушунилади.

Шунингдек, иккиламчи солиқ тўлаш мажбурияти ҳам мавжуд.

Иккиламчи солиқ тўлаш мажбурияти солиқ тўловчининг мулкига мажбурий ундирув қаратганда ҳам ундириш лозим бўлган суммага етмайдиган ҳолларда маълум бир талабларга жавоб бера оладиган шахсга қўшимча равишда солиқ мажбуриятини юклаш тизимидир.

### **5. Солиқ тўлашни энгиллаштириш тизими**

Солиқ қонунчилигида солиқ тўлашни энгиллаштириш тизими алоҳида аҳамият касб этади.

Жумлдан, мулк хатлангандан кейин давлат солиғи тўланмаса, қоида бўйича хатланган мулк (қимошди савдосида) реализация қилиниб, тушган сумма давлат солиқ қарзини узишга йўналтирилади. Лекин, боқиманда қарздорда маълум бир сабаблар бўлганда хатланган мулкнинг реализацияси кечиктирилиб, қарздорнинг тадбиркорлик фаолиятини давом эттириб ёки яшаш шароитини маълум бир даражада ушлаб турган ҳолда давлат солиқ қарзини қисмлаб ундириб бориш тизими мавжуд. Бу “реализация қилишни кечиктириш” дейилади.

Боқиманда қарздор қуйидаги барча талабларга жавоб беради деб тан олинган ҳолатда, қарздор солиқ тўлашга виждонан ёндошади деб топилган тақдирда тўланиши

керак бўлган давлат солиғини мажбурий ундириш доирасидаги қарздор мулкнинг реализацияси кечиктирилиши мумкин

#### **6. Мажбурий ундирувни тўхтатиш**

Боқиманда қарздор маблағи ва мулкни йўқотиши каби маълум бир ҳолатлар вужудга келиб, мажбурий ундирувга қаратилса яшаш шароити жуда оғирлашиши каби мажбурий ундириш амалга оширишнинг номувофиқлиги ёки амалга ошириш мумкин бўлмаса, солиқ инспекцияси раҳбари ўзининг хизмат ваколати доирасида мажбурий ундирувни тўхтатиши мумкин.

Қуйидаги шартлар барчаси бажарилганда мажбурий ундирувни тўхтатиш мумкин.

1) Мажбурий ундирув қаратиш мумкин бўлган мулк мавжуд эмаслиги.

2) Мажбурий ундирувни амалга ошириш туфайли боқиманда қарздорнинг яшаш шароити жуда оғирлашиши хавфи бор ҳолатда.

Мажбурий ундирув қаратиш мақсадида мулкни хатлаш тўлов талабномаси юборилгандан кейин 10 кун ичида давлат солиқ қарзи узилмаган тақдирда амалга оширилади.

#### **7. Мажбурий ундирувдан бўйин товлаш учун жавобгарлик**

Солиқ тўловчи мажбурий ундирувдан қочиш мақсадида мулкни яширса, зарар етказса, давлат манфаатига зид равишда тасарруф қилса ёки мулк билан боғлиқ харажатларни сохта ошириш учун ҳаракат қилса, ушбу шахс 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки 500 минг йенгача жарима, ёки ҳам озодликдан маҳрум қилиш ҳам жарима солиш билан жазоланади.

Бундан ташқари, солиқ тўловчининг мулкни эгаллаб турган учинчи шахс (мулкни сақлаб турган, гавровга олган, ижарага олган шахс) солиқ тўловчига нисбатан мажбурий ундиришдан қочиш мақсадида юқоридаги ҳатти-ҳаракатларни амалга оширса, солиқ тўловчи билан бир хил равишда жазоланади.

Вазиятдан хабардор бўла туриб солиқ тўловчи ёки солиқ тўловчининг мулкни эгаллаб турган шахс билан мулк бўйича операция амалга оширган шахс 2 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки 300 минг йенгача жарима, ёки ҳам озодликдан маҳрум қилиш ҳам жарима солиш билан жазоланади.

### **8 та назорат саволлари:**

**9-мавзу: Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлигини ҳисоблаш дастурий маҳсули**

#### **Режа**

- 1. Дастурий маҳсулни ШЭХМга ўрнатиш ва ўчириш**
- 2. Дастурий маҳсул орқали ҳисоботларни шакллантириш**
  - 2.1. Корхоналар бўйича ҳисоботларни шакллантириш;**
  - 2.2. Вазирликлар ва идоралар бўйича ҳисоботларни шакллантириш;**

- 2.3. Инспекторлар бўйича ҳисоботларни шакллантириш;
- 2.4. Дастурий маҳсул орқали шакллантирилган ҳисоботларни таҳлил қилиш.
3. Боқимандалар билан ишлаш
  - 3.1. Боқиманда суммаларини таҳлил қилиш;
  - 3.2. Тўлов муддатлари узайтирилган боқимандалар бўйича маълумот олиш;
  - 3.3. Боқимандага эга корхоналарга солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномаларини бериш ва бу борада назорат ишларини олиб бориш;
  - 3.4. Боқимандаларни қарздор корхоналарнинг дебиторларидан ундириш
  - 3.5. Боқимандаларни қарздор корхоналарнинг мол-мулкига қаратиш ва бу борада назорат ишларини олиб бориш;
4. Солиқ тўловчиларнинг ШХВларидан маълумот олиш

7 та назорат саволлари

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

**\*Коллеж учун қўлланма бакалавриат учун қўлланманинг қисқартирилган**

**варианти бўлганлиги учун фақат номи ва мундарижаси келтирилди.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ**

**СОЛИҚ ВА МАЖБУРИЙ  
ТЎЛОВЛАРДАН  
ҚАРЗДОРЛИКНИ  
КАМАЙТИРИШ**

*Солиқ коллежлари  
ва бошқа касб-хунар коллежларининг  
“Солиқлар ва солиққа тортиш”  
таълим йўналишлари учун*

**ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМАСИ**

**ТОШКЕНТ-2010**

Ушбу ўқув қўлланмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи  
**и.ф.н., доц. Гадоев Эркин Файзиевич** таҳрири остида тайёрланди.

**А.Тангирқулов, А.Хомма, Ш. Тошматов, И.Норкузиев, Н.Розиқов**

Солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздорликни камайтириш: Ўқув қўлланмаси  
/Ҳаммуал.: А.Тангирқулов, А.Хомма, Ш. Тошматов, И.Норкузиев, Н.Розиқов – Т.:  
“\_\_\_\_\_” нашриёти – 2010. – \_\_\_\_ бет.

Мазкур ўқув қўлланмасида малакатимизда амалда бўлган солиқлар ва бошқа  
мажбурий тўловлар бўйича қарздорликнинг юзага келиши ва ундирилиш амалиёти  
ёритилган.

Ўқув қўлланмаси Солиқ коллежлари ва бошқа касб-хунар коллежларининг  
“Солиқлар ва солиққа тортиш” таълим йўналишида ўқиётган ўқувчилар учун  
мўлжалланган.

Такризчилар:

**Ҳайдаров Н.Х.**–иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Тўхлиев Б. К.** – иқтисод фанлари номзоди, доцент.

## МУНДАРИЖА

1. “Солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздорликни камайтириш” махсус ўқув курсининг мақсад, вазифалари ва зарурияти .....
2. Солиқлар ва мажбурий тўловларни ундиришнинг ҳуқуқий асослари....
3. Давлат солиқ хизмати органларининг солиқларни ундиришдаги ваколатлари .....
4. Солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаш муддатлари ва тартиби .....
5. Солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздорликлар ва уларни камайтириш чоралари .....
6. Юридик шахсларда солиқ ва мажбурий тўловлардан қарздорликни ундириш амалиёти ...
7. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар бўйича қарздорликни ундириш .....
8. Юридик шахсларда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни ҳисоблаш дастурий маҳсули .....

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ  
СОЛИҚ АКАДЕМИЯСИ**

# **СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР БИЛАН ИШЛАШ**

**Ўқув қўлланма**

**Ўзбекистон Республикаси солиқ маъмурчилигини  
такомиллаштириш лойиҳаси**

**Тошкент 2010**

Ушбу ўқув қўлланмаси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи  
и.ф.н., доц. Гадоев Эркин Файзиевич тахрири остида тайёрланди.

**Ш. Тошматов, Х.Коике, С.Боймуродов, Н.Норбоев, А.Джураев**

Солиқ тўловчилар билан ишлаш: Ўқув қўлланмаси /Ҳаммуал.:

Ш.Тошматов, Х.Коике, С.Боймуродов, Н.Норбоев, А.Джураев – Т.:

“\_\_\_\_\_” нашриёти – 2010. – \_\_\_\_ бет.

Мазкур ўқув қўлланмасида Ўзбекистонда солиқ тўловчилар билан ишлаш боғлиқ  
жараёнлар ҳамда бу борадаги Япониянинг илғор тажрибаси баён этилган.

Ўқув қўлланмаси бакалавриат 5340800 – “Солиқлар ва солиққа тортиш” таълим  
йўналишида ўқиётган олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган.

Такризчилар:

**Жўраев А. С.** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Усанов А.** – иқтисод фанлари номзоди, доцент.

**Мусалимов Ш.** – Давлат солиқ қўмитасининг бўлим бошлиғи.

## **М У Н Д А Р И Ж А**

**Кириш .....**

**Ўзбекистонда солиқ тўловчилар билан ишлаш ва солиқ тизимининг ривожланиш босқичлари.....**

**Солиқ тўловчиларни рўйхатга олиш ва ягона реестрини юритиш.....**

**Солиқ тўловчилар томонидан ҳисобланган ва тўланган солиқларнинг солиқ идораларида ҳисобини юритиш.....**

**Солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларини декларациялаш.....**

**Ўзбекистонда солиқ маслаҳати хизматининг вужудга келиши ва шаклланиши...**

**Солиқ тарғиботи ва солиқ тўловчилар билан ўтказилган сўровномалар натижалари .....**

**Солиқ тўловчилар билан ишлашнинг Япония тажрибаси .....**

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....**

## Кириш

Солиқларнинг пайдо бўлиш тарихи давлатчиликнинг пайдо бўлиши билан бевосита боғлиқ. Давлат ўзининг вазифаларини бажариши ва давлатчиликни сақлаб туриши учун зарур бўлган пул маблағларининг манбаси сифатида солиқлардан у ёки бу шаклда азал-азалдан кенг фойдаланиб келган. Солиқлар ва улар билан боғлиқ бўлган муносабатлар дастлабки ёзма манбаларнинг пайдо бўлишидан бошлаб, то ҳозирги кунларгача ҳукумат вакиллари, солиқ йиғувчилар ҳамда солиқни тўловчилар ўртасидаги қизгин бахс-мунозараларга сабаб бўлиб келган.

Давлатнинг пайдо бўлиши ва солиқларни юзага келиши билан дастлаб аҳолидан натура кўринишидаги солиқлар ундирилган. Илк солиқлар тизимсиз кўринишда бўлиб, аҳоли солиқларни экинлар ҳосилидан, савдо-сотикдан ҳамда овлаган ҳайвонлардан тўлаганлар. Бу даврда Ўрта Осиё ҳудудларида аҳолидан натура кўринишидаги солиқлар яъни хирож ундирилган бўлиб, солиқларнинг асосий объектлари дон ва гўшт маҳсулотлари бўлган.

Товар-пул муносабатларининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши солиқларнинг ҳозиргидек пул кўринишига олиб келган. Илгари солиқлар асосан чегара ва қўшин эҳтиёжларига, шаҳар атрофини мустаҳкамлашга, йўл ва ибодатхона қурилишига йиғилган бўлса, вақт ўтиши билан солиқлар давлат хазинаси даромадларининг асосий манбаи бўлиб хизмат қилган.

Ўзбекистонда кейинги йилларда иқтисодий соҳада ўтказилаётган ислохотлар бу асосан солиқ солишнинг тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ. Бунда солиқларнинг фискал ва назорат функцияси билан бирга, рағбатлантирувчи функциясидан кенг фойдаланиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш муҳимдир. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти тўхталиб, «Солиқ органларинг бош вазифаси солиқларнинг бюджетга ўз вақтида ва тўлиқ тушишини таъминлашгина эмас, балки, энг муҳими, солиққа доир жиноятларнинг олдини олиш мақсадида солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг бу борадаги билимларини оширишга кўмаклашиш, улар билан мунтазам иш олиб боришдан иборатдир» -деб таъкидлаганлар. Дарҳақиқат, солиққа тортиш муносабатларида солиқ тўловчиларга ёрдам бериш ва уларнинг бу борадаги билимларини оширишга кўмаклашиш, улар билан мунтазам иш олиб бориш улар томонидан солиқ соҳасидаги қонун бузилишларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Солиқ тизимини такомиллаштириш ва солиқ тўловчилар билан ишлаш самарадорлигини оширишда ривожланган хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш яхши самара беради. Шу муносабат билан мазкур ўқув қўлланмаси Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈСА) томонидан таъсис этилган «Ўзбекистонда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш» Лойиҳаси доирасида япониялик етук мутахассислар ёрдамида муаллифлар гуруҳи томонидан тайёрланди.

Ушбу ўқув қўлланмаси камчиликлардан ҳоли эмас, фикр ва мулоҳазаларини изҳор этадиган китобхонларга олдиндан миннатдорчилик билдирамиз.

## **1-бўлим. Ўзбекистонда солиқ тўловчилар билан ишлаш ва солиқ тизимининг ривожланиш босқичлари**

Солиқлар ҳар қандай давлатнинг қарор топиши ва амал қилишининг объектив зарурияти бўлиб ҳисобланади. Ушбу объектив зарурият унинг моҳиятини белгилаб беради. Солиқларни таърифлашда дунё, жумладан мамлакатимиз олимларида ҳам умумийлик ва хусусийлик мавжуддир. Мухтасар айтганда, солиқлар давлатнинг мавжуд бўлиши учун зарурият бўлиб, давлат ва маҳаллий ҳокимият тузилмаларни молиявий таъминлаш, шунингдек давлат зиммасига олган вазифаларни бажариш мақсадида ўрнатилган ставкаларда мажбурий тарзда ундириладиган ҳамда уни тўловчиларга яқка тартибдаги эквивалент ҳуқуқни бермайдиган тўловлар ҳисобланади.

Ҳозирги босқичда солиқлар воситасида давлат даромадининг асосий қисми ҳосил қилинади. Бозор иқтисодиёти шароитида солиқлар корхоналарнинг иқтисодий фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг билвосита курали ҳисобланади.

Мустақилликдан кейинги даврда солиқ тизимида юз берган ислохотлар ва ўзгаришларни тадқиқ этганда солиққа тортиш тизимининг мамлакатимизда ривожланишини куйидаги тўрт босқичга бўлиш мумкин:

**Биринчи босқич 1992-1994 йилларни қамраб олади.** Республикамизда сиёсий ва иқтисодий тартибнинг ўзгариб кетиши, унинг мустақилликни қўлга киритиши давлат ўз вазифаларини тўлақонли бажариши учун катта миқдордаги молиявий маблағ тўпланишини тақозо қилди. 1992 йилда биринчи марта давлат бюджетини четдан дотация ва субвенция олинмасдан тузиш зарур бўлди. Шундан келиб чиқиб, бошланғич босқичда солиқ тизими ижтимоий-иқтисодий йўналишга эга бўлган бюджет даромад ва харажатларининг тенглигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларини ҳал қилишга қаратилган эди. Уни республикада ишлаб чиқариш ҳажми бир мунча тушиб кетган шароитда, юқори инфляция пайтида ва давлат молия соҳасидаги ўта оғир бир вазиятда амалга оширишга тўғри келди. Юзага келган бу вазият, билвосита солиқларга асосланган солиқ тизимининг фискал вазифасидан кенг фойдаланишни тақозо этарди. Солиқ тизимини ишлаб чиқишда, унинг нисбий барқарорлигини таъминлашнинг яқин истиқболда имкони йўқлиги ҳисобга олинди, амалдаги ҳақиқий иқтисодий муҳитга боғлиқ равишда унга янги-янги элементлар киритилиб борилди, уни ташкил қилувчи бошқа элементлари эса ўз кўринишини ўзгартириб борди.

**Иккинчи босқич (1995-1997 йиллар).** Иккинчи босқичда корхоналардан солиқ юқини солиқлар таркибини такомиллаштириш ҳисобига пасайтириш, уларнинг рағбатлантирувчи функциясини кучайтириш ва солиққа тортиш механизмининг оптималлаштиришдан иборат эди.

**Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси жорий этилгандан кейинги даврдаги учинчи босқич 1998 йилдан 2005 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади.**

1997 йилда республикамизда Солиқ кодекси қабул қилинди. 1998 йил бошидан Солиқ кодексининг кучга киритилиши билан республикамизда солиқ тизимини ислох

қилишнинг учинчи босқичи бошланди. Солиқ кодекси юридик ва жисмоний шахсларни солиққа тортишни тартибга солиб турувчи асосий ҳужжат ҳисобланади. 1998 йилгача бир қанча қонунлар ва турли қонун ҳужжатлари амал қилди. Солиқ кодекси солиқ тизимини тартибга келтирди, бюджет даромад базасини мустаҳкамлаш учун қонуний базани ташкил қилди, солиқларни ундириш ва белгилаш бўйича республика ва маҳаллий бошқарув органлари ваколатини аниқ белгилаб берди.

**Солиқ тизимини ривожлантиришнинг тўртинчи босқичи 2005 йилдан бошланди,** бунда солиқ сиёсатини такомиллаштириш мамлакат иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар асосида олиб борилди.

2005 йилдан бошлаб мамлакат солиқ тизимида туб ўзгаришлар амалга оширила бошланди, ҳукумат иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазибаларидан бири сифатида солиқ сиёсатини такомиллаштириш вазибаларини қўйди. Янги таҳрирдаги Солиқ кодекси 2007 йилнинг 25 декабрида тасдиқланиб, 2008 йилдан бошлаб кучга киритилди. Ушбу янги таҳрирдаги Солиқ кодекси илгаригисидан энг асосий фарқи шундан иборатки, янги Солиқ кодекси тўғридан-тўғри амал қилишга мўлжалланган, яъни ҳар бир солиқни ҳисоблаш ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, йўриқномалар асосида амалга оширилмасдан тўғридан-тўғридан Солиқ кодексидан акс этирилди, ҳамда илгари қонуности ҳужжатлар асосида тартибга солинувчи содалаштирилган солиққа тортиш тартиби ва мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмаларни ҳисобланиш ва ундириш тартиблари Солиқ кодексидан акс этирилди. Шунингдек бу босқичда кичик бизнес корхоналарига янада қулайликлар бериш мақсадида ягона солиқ ва мақсадли жамғармалар учун ажратмалар унификацияланиб, ягона солиқ тўлови 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб жорий этилди. Дастлаб ягона солиқ тўловининг асосий ставкаси 13 фоиз қилиб белгиланган бўлса, ҳозирги кунда ушбу солиқнинг асосий ставкаси 7 фоизни ташкил этади холос. Бу ўзининг самараси берди, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2006 йилдаги 42,1 фоиздан, 2009 йилга келиб 50,1 фоизга етишига хизмат қилди. Ягона солиқ тўловига ўтган кичик корхоналарнинг умумий тартибда солиқ тўловчи йирик корхоналар билан бўладиган иқтисодий муносабатларида солиқларнинг салбий таъсири қисқартириш мақсадида 2006 йилдан бошлаб ягона солиқ тўлови тўловчи корхоналарга қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равишда ташлаш ҳуқуқи берилди, бунда давлат бюджетига ўтказиладиган ҚҚС ҳисобига ягона солиқ тўловининг 50 фоизи миқдоригача чегирмалар берилиши жорий этилди ҳамда корхоналар харажатларига нисбатан ҳисобланадиган экология солиғи 2006 йилдан бошлаб бекор қилинди. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида асосан

кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молиявий-хўжалик фаолиятини текширишлар ҳар тўрт йилда бир марта ўтказилиши белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари тадбиркорларни ҳуқуқий ҳимоялаш бўйича ҳукумат даражасида кенгқамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бунга асосан текширишлар сони кескин камайтирилди, тадбиркорлик субъектларини молиявий хўжалик фаолиятни текшириш ҳуқуқи фақатгина солиқ идораларида қолдирилди, шунингдек уларга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўлланиши тартиби жорий этилди. Кичик бизнес корхоналарининг ортиқча ҳисоботлар топширишилишига чек қўйилди, барча ҳисоботлар топшириш муддатлари чораклик бир марта қилиб белгиланди ва улар сони 10 мартадан ошиққа қисқартирилди. Ушбу даврда тадбиркорлик субъектларини, айниқса кичик тадбиркорлик субъектларини рағбатлантиришга доир Президентимизнинг бир неча Фармон ва қарорлари чиқди.

## **2-бўлим. Солиқ тўловчиларни рўйхатга олиш ва ягона реестрини юритиш**

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун маъмурий сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишда қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ-357 сонли қарорига<sup>2</sup> асосан 2006 йилнинг 1 сентябридан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартиби ўрнатилди. Ушбу қарорга биноан тадбиркорлик субъектларини хабардор қилиш асосида давлат солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигида, вилоят адлия бошқармаларида, туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияларида давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва муддатлари белгилаб берилди.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш, тегишли равишда, адлия органлари ёки туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари томонидан бир вақтнинг ўзида уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда амалга оширилади.

Солиқ тўловчининг идентификация рақамини (СТИР) бериш ва уни рўйхатдан ўтказувчи органга юбориш муддати 8 иш соатидан ортиқ бўлмаган вақтни ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси "Солиқ хизмати тўғрисида"ги Қонунга биноан солиқ хизмати ходимларининг асосий функциялари сифатида юридик ва жисмоний шахсларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уларни рўйхатга олиш (идентификация) рақамларини берган ҳолда солиқ тўловчилар сифатида уларни рўйхатга қўйиш ҳақида ҳужжатларни бериш кайд қилинган.

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида."ги. ПҚ-357-сонли қарори. 24.05.2006 й

Давлат солиқ хизмати органлари солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритади. Солиқ тўловчиларнинг ҳисобини юритиш уларни ҳисобга қўйиш ва улар тўғрисидаги ҳисоб маълумотларини юритиш орқали амалга оширилади.

Солиқ тўловчи ҳисобга қўйилаётганда унга солиқ тўловчининг идентификация рақами берилади ҳамда солиқ тўловчи тўғрисидаги ҳисобга қўйиш маълумотлари Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларнинг ягона реестрига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларнинг ягона реестри Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси томонидан юритилади. Давлат солиқ хизмати органи томонидан солиқ тўловчига берилган идентификация рақами берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки солиқ тўловчи бир вақтнинг ўзида давлат солиқ хизмати органларида ва давлат статистика органларида ҳисобга қўйилган ҳолда давлат рўйхатидан ўтказилган тақдирда давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома солиқ тўловчининг ҳисобга қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Идентификацион рақам бу - солиқ тўловчиларга бериладиган махсус кодлар бўлиб, у солиқ тўловчиларга марказлаштирилган тартибда Давлат солиқ кўмитаси томонидан берилади.

Идентификация рақами солиқ тўловчиларнинг қуйидаги тоифаларига берилади:

1. Юридик шахсларга;
2. Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, хорижий фуқароларга ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга асосий яшаш жойи бўйича, доимий яшаш жойига эга бўлмаган, бироқ солиқ мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида пайдо бўлган фуқароларга.

Солиқ мажбуриятлари деганда жисмоний ёки юридик шахсда даромад олиш манбаи мавжудлиги ёки солиқ солишнинг бошқа объекти мавжудлиги тушунилади.

Юридик шахсни рўйхатдан ўтказиш у ташкил этилган жой бўйича солиқ инспекцияси томонидан фақат бир марта амалга оширилади. Солиқ тўловчига идентификацион рақам бериш уч босқичга бўлинади ва ҳар бир босқич бир-бири билан узвий боғлиқдир.

1-босқич: Юридик ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс давлат рўйхатидан ўтиш билан бир қаторда, давлат солиқ инспекциясига солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтади. Давлат солиқ органи тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекциясидан олган маълумотлари асосида, тегишли шаклларни солиқ тўловчи тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдиради.

2-босқич: Тегишли маълумотлар ишлов бериб бўлингандан кейин, Давлат солиқ кўмитасига компьютер алоқаси орқали юборилади.

3-босқич: Давлат солиқ кўмитаси солиқ тўловчига юридик ёки жисмоний шахсга белгиланган тартибда идентификацион рақам беради ва маълумотларни компьютер алоқаси орқали солиқ инспекцияларига юборади.

Юридик шахсни солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказиш ўша жойдаги давлат солиқ инспекциясида тўлдирилган рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари асосида Давлат солиқ

кўмитасида унга идентификация рақами берилганда ҳамда унга давлат солиқ инспекциясида солиқ органларидан рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва идентификация рақами берилгандан кейин тугалланган ҳисобланади.

Жисмоний шахс бўлган солиқ тўловчиларга идентификация рақами тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи солиқ тўловчи туман (шаҳар) давлат солиқ инспекциясида солиқ мажбуриятлари пайдо бўлиши юзасидан рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини тўлдиргандан кейин берилади. Бошқа солиқ тўловчиларга, жисмоний шахсларга рўйхатдан ўтказиш шакллари уйма-уй юриб расмийлаштирилади. Солиқ органлари билан давлат ҳокимияти ва бошқарувчи органлари ўртасида ахборот айирбошлашни бир хиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорт рақами ва идентификация рақами (шахсий коди) кўрсатилади.

Жисмоний шахсни рўйхатдан ўтказиш яшаш жойи бўйича давлат солиқ инспекциясида фақат бир марта амалга оширилади. Ҳар бир солиқ тўловчи фақат битта идентификация рақамига эга бўлиши мумкин.

Жисмоний шахсни солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтказиш давлат солиқ инспекциясида тўлдирилган рўйхатдан ўтказиш ҳужжатлари асосида Давлат солиқ кўмитасида унга идентификация рақами берилгандан кейин тугалланган ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар ўз паспортидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда Давлат солиқ инспекциясига келиб асосий рўйхатдан ўтказиш маълумотларининг ўзгарганини билдириб, рўйхатдан ўтказиш ҳужжатларини тўлдирадilar.

Юридик ва ёки жисмоний шахсни фаолиятида, манзилида ёки ҳисоб рақамида ўзгаришлар бўлса, давлат солиқ инспекциясини белгиланган муддат ичида хабар қилиши керак ва солиқ идоралари солиқ тўловчининг ягона реестирида ўзгартириш киритиши лозим.

Солиқ тўловчининг идентификацион рақами:

- солиқ органларида регистрациядан ўтиш учун керак бўлган ҳужжатларида;
- тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун олган лицензияларида;
- Вазирлар Маҳкамасининг СТИР бериш тўғрисидаги Қарорига биноан бошқа фаолият тури бўйича шуғулланиш рухсатномаларида;
- тўлов талабномаларида;
- давлат солиқ органларига тақдим этиладиган ҳисоботларида;
- ижтимоий таъминот идораларига тақдим этиладиган ҳужжатларида;
- хўжалик субъектлари ўртасида тузиладиган битим ва шартномаларда;
- хўжалик субъектларида молиявий, мулк ва бошқа мажбуриятлари пайдо бўлганда ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига асосан бошқа вазиятлар пайдо бўлганда кўрсатилиши шарт.

### **3-бўлим. Солиқ тўловчилар томонидан ҳисобланган ва тўланган солиқларнинг солиқ идораларида ҳисобини юритиш**

Солиқ тўловчиларнинг солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича давлат бюджети олдидаги мажбуриятларини бажарилишини солиқ органларида юритиладиган оператив-бухгалтерлик ҳисоби ёрдамида олиб борилади. Солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича оператив-бухгалтерлик ҳисобини юритиш тартиби Давлат солиқ кўмитасининг меёрий ҳужжатлари билан белгиланади. Солиқ ва мажбурий тўловларнинг оператив-бухгалтерлик ҳисоби бу ҳисоб ва ҳисобот тизими бўлиб, солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича бюджетга тўлашга ҳисобланган ва бюджетга ўтказилган суммаларни, молиявий санкциялар суммаларини, боқиманда ва ортиқча тўлов, ҳисобланган пеня ва бошқа маълумотларни ўз ичига қамраб олган. Солиқлар ва мажбурий тўловларнинг оператив-бухгалтерлик ҳисобини солиқ тўловчилар рўйхатдан ўтган давлат солиқ инспекцияларида олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексини 127-моддасига биноан солиқ органи солиқ суммасини солиқ тўловчининг ҳисоб-китоблари ва даромадлар тўғрисидаги декларациясида кўрсатилган миқдорда, шунингдек тегишли давлат органлари тақдим этган маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқади. Агар солиқ тўловчи даромадлар тўғрисидаги декларацияни, солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китобларини вақтида тақдим этмаса ёки улардаги суммани кўрсатмаган бўлса, солиқ органи ўзидаги мавжуд маълумотлар асосида солиқлар ва йиғимлар суммасини ҳисоблаб чиқаришга ва солиқ тўловчига хабарнома беришга ҳақлидир.

Давлат солиқ органлари ходимлари солиқ тўловчиларни шахсий ҳисоб варакаларини(ШХВ) юритиш учун қуйидаги ҳужжатлардан фойдаланидалар:

– Юридик шахслар солиқ конунчилигида белгиланган муддатларда солиқ органларига давлат бюджетига ҳисобот даврида тўлашга ҳисобланган солиқ суммалари акс эттирилган бухгалтерлик ҳисоботларини ва солиқлар бўйича ҳисобларини тақдим этадилар. Ушбу ҳужжатлар асосида солиқ инспектори солиқ тўловчининг шахсий ҳисоб варакасида солиқлар бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган суммаларни ҳисоблаб кўядилар;

– Солиқ тўловчи юридик шахсларнинг тақдим этган жорий тўловлари ҳақидаги маълумотларидан;

– Бюджетга тўлашга ҳисобланган солиқ ва мажбурий тўлов суммаларини бюджетга ўтказиш учун солиқ тўловчилар банк муассаларига тўлов топширикномаларини топширадилар. Ушбу тўлов топширикномаларида солиқнинг ҳисоб рақами, бюджет классификациясига биноан бюджетнинг даромад қисмидаги бўлими ва параграфи, инспекция номи кўрсатилган бўлиши керак.

Солиқ тўловчиларнинг ШХВда суммалар миллий валюта сўмда юритилади.

Электрон тарзда тақдим қилинган солиқ ҳисоботлари бўйича ШХВларга маълумотлар киритиш ёки киритилган маълумотларни ўзгартириш учун асос бўлиб, Ҳисоботларни қабул қилиш бўлими ёки шўъбасининг масъул ходимининг электрон имзоси билан тасдиқланган солиқ ҳисоботлари амал қилади. Ҳисобга олиш бўлими масъул ходими,

Ҳисоботларни қабул қилиш бўлими ёки шўъбаси масъул ходими томонидан солиқ ҳисоботида кўрсатиб берилган солиқ суммасини солиқ тўловчининг ШХВсига киритади ва киритилганлиги тўғрисида солиқ ҳисоботида ШХВга киритилган солиқ суммаси ва санасини кўрсатиб имзо билан тасдиқлайди.

ШХВга киритилаётган қар бир ёзув бўйича ёзув киритилган сана, мазмуни ва ёзув киритиш учун асос ҳужжат тури ҳамда уларни киритган ходимнинг фамилияси, исми, шарифи ШХВда акс эттирилади.

Солиқ тўловчининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ШХВларида пеня ҳисоблаш 2007 йил 9 октябрдаги 1724-сон билан Адлия Вазирлигидан рўйхатдан ўтган “Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга пеня ҳисоблаш тартиби тўғрисида”ги Низом<sup>3</sup> асосида амалга оширилади. Пеня солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақаларида акс эттирилган, боқиманда суммасидан тўлов муддати тугаган кундан бошлаб ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,05 фоиз миқдорида ҳисобланади. Бунда бошқа солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ортиқча тўланган суммага тенг бўлган қарз суммасига пеня ҳисобланмайди. Пеня миқдори тегишли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммасидан ошиб кетиши мумкин эмас.

#### **4-бўлим. Солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларини декларациялаш**

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тартибга солувчи асосий меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Республикада бозор ислохотлари амалга оширилаётгани ҳамда эркин тадбиркорлик янада ривожланаётгани муносабати билан жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи тобора кўпроқ аҳамият касб этмоқда. Агар аввалги даврларда турли тоифадаги ходимларнинг даромадлари маъмурий йўл билан белгиланган бўлса, ҳозирда тадбиркорлик соҳасидаги олинадиган даромадларига кенг йўл очиб берилганлиги муносабати билан даромадлар миқдори бир мунча табақалашиб бормоқда. Даромадларни декларациялаш асосида солиққа тортишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири шундаки, у кам ва юқори даромад олувчи жисмоний шахсларни даромадларини адолатли тақсимланишига хизмат қилади.

Қонунчиликда жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи ставкалари солиқ солишнинг прогрессив шкаласи кўринишида белгиланган. Чунончи, 2010 йилда амалдаги тартибга мувофиқ даромад миқдorigа қараб солиқ ставкалари ошиб боради, энг кам иш ҳақининг 5 бараваригача, 5 бараваридан 10 бараваригача ва 10

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 9 октябрда 1724-сон билан рўйхатга олинган Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 11 сентябрдаги 2007-54-сон қарори билан тасдиқланган.

бараваридан ортиқ даромаддан солиқ ставкалари тегишлича 11%, 17% ва 22%лик ставкалар бўйича ушланади.

Бунда “вертикал адолат” деб аталувчи қоидага амал қилиниши таъминланади. Яъни, камроқ даромад оладиган шахслар даромад солиғини паст ставкалар бўйича, кўпроқ даромад оладиганлар эса, тегишлича юқориқоқ ставкалар асосида тўлайдилар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида фуқаролар даромадларини декларациялашда ўзгаришлар юзага келди. Жами йиллик даромад таркибига киритилган мулкый даромад бошқа даромадлар билан бир хил муддатда жами йиллик декларациялаш даврида тақдим этиларди. 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган ва 2008 йилга қадар амалда бўлган Солиқ кодексига мувофиқ мулкый даромад жами йиллик даромаднинг таркибида фақат йиллик даромадлар билан бирга декларацияланар эди. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрда ЎРҚ-196 сон Қонуни билан тасдиқланган Солиқ кодексига мувофиқ мулкый даромад сифатида қаралган мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар оладиган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини тақдим этилган дастлабки декларация асосида ҳар ойда даромад олинган ойдан кейинги ойнинг 5 кунигача тўлайдилар. Йил тугагач, жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинган солиқнинг йиллик суммаси ҳақиқатда олинган даромад бўйича келгуси йилнинг 15 январига қадар ҳисоблаб чиқарилади. Бу сумма йил мобайнида тўланган суммалар ўртасидаги фарқ келгуси йилнинг 15 мартгача солиқ тўловчидан ундирилиши ёки унга қайтарилиши керак.

Декларация асосида солиқ солинадиган даромадларга Ўзбекистон Республикаси резидентларининг қуйидаги даромадлари киради:

мулкый даромадлар, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса; фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар;

асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлар;

икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлар;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлар;

солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлар.

Агар солиқ тўловчининг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи унинг аризасига кўра белгиланган энг юқори ставка қўлланилган ҳолда ушлаб қолинган бўлса, даромадлар тўғрисида декларация тақдим этмасликлари мумкин.

Декларация узрли сабаблар (хизмат сафарида бўлиш, касаллик ва бошқалар)га кўра ўз вақтида тақдим этилмаган ҳолларда, солиқ инспекциясига декларация билан бирга қўшимча тарзда тушунтириш хати ва кечикиш сабабини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади.

Агар декларацияни тақдим этиш тартибига риоя қилмаганлиги учун солиқ тўловчига жарима солинганда ёки даромад солиғи тўлиқ тўланмаган тақдирда, солиқ

инспекцияси унга жарима (боқиманда, пеня)ни ихтиёрий тўлаш тўғрисида талабнома юборади.

## **5-бўлим. Ўзбекистонда солиқ маслаҳати хизматининг вужудга келиши ва шаклланиши**

Одатий хўжалик фаолияти давомида амалдаги қонун ҳужжатларини таҳлил этиш ва солиқ солишнинг тўғри вариантини қабул қилиш заруратини юзага келтирадиган ностандарт вазиятлар юзага келиши мумкин. Баъзан саволлар семинарлар ёки ўқув курсларида иштирок этгандан кейин пайдо бўлиши мумкин. Гоҳида бухгалтер солиқ ҳисоботини топшириш чоғида бошқа бухгалтерлар билан суҳбатлашгач, янглиш қарорга келиши мумкин. Натижада у ана шу масалани ойдинлаштирмоқчи бўлади. Зеро бу масала корхона фаолиятини режали текшириш вақтида ҳам юзага келиши мумкин.

Амалиётда бухгалтер кўпинча савол билан солиқ органларига мурожаат қилади, чунки улар солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши устидан назоратни амалга оширадилар. Солиқ маслаҳатининг ушбу тури молиявий томондан энг манфаатли, чунки солиқ органлари тушунтиришларни бепул берадилар ва муаммо туғдирмайди, зеро олинган жавобга мувофиқ ҳаракат қилиб, сиз ҳар доим унинг муаллифларини рўқач қила оласиз.

Олинаётган маслаҳатнинг сифати қўйилган саволнинг очиқ-ошкорлигига боғлиқ. Яъни солиқ тўловчи солиқ органига сўров тайёрлаётганда ўз саволини аниқ-равшан ифодалаш керак. Агар у солиқ имтиёзларини қўллашга тааллуқли бўлса, имтиёз олиш ҳуқуқини берадиган меъёрий ҳужжат кўрсатилиши даркор. Сўровда фаолият коди, корхона турини кўрсатиш айниқса муҳим. Агар саволлар бир нечта бўлса, уларни рақамлаган мақбул. Ижрочининг реквизитларини кўрсатиш ҳам маъқул бўлади. Бу сўровни кўраётган солиқ хизмати ходими саволга тўлиқ жавоб тайёрлаш учун зарур бўлган муайян жиҳатларни аниқлаш учун сиз билан боғлана олиши учун зарур. Бундай ҳолда қўшимча ахборотни тезликда тақдим этиш керак, чунки солиқ тўловчиларнинг сўровларини кўриш учун муайян муддат берилади. Ўз вақтида зарур ахборотни олмаган, сизнинг мурожаатингиз устида ишлаётган давлат солиқ органи ходими ўзида бўлган маълумотлар асосида жавоб тайёрлаб, бунда сиз учун муҳим бўлган қандайдир нозик жиҳатларни ҳисобга олмаслиги ёки шоянмаган солиқ тўловчи тушунтириш олиш муддатини кечиктириб юбориши мумкин. Бу иккала ҳол ҳам унинг манфаатига зиддир.

Баъзан солиқ тўловчилар ўз манзилларини нотўғри кўрсатадилар ёки сўровни эски намунадаги, амал қилмаётган реквизитлар кўрсатилган фирма бланкида жўнатадилар. Жавоб олиш учун мурожаатнинг ана шу томонларига ҳам эътибор қаратиш керак.

Базида солиқ тўловчи туман солиқ инспекциясининг тушунтиришига қўшилмайди, айти шундай ҳолда юқори инстанцияга мурожаат қилиш лозим. Бунда сўровда Давлат солиқ инспекциясидан тушунтиришини олганлигингиз ва унга қўшилмаганлигингизни

кўрсатиш керак. Ушбу масала бўйича ўз нуқтаи назарингиз ёки позициянгизни баён этиш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек туман солиқ инспекциясининг тушунтириши нусхасини илова қилиш лозим.

Олий Мажлис томонидан "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги<sup>4</sup> Қонун қабул қилиниши билан республикаимиз молия жабҳасининг ғоятда муҳим дастаги бўлган солиқ маслаҳатининг вужудга келиши учун ҳуқуқий асослар белгилаб берилди. Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатишича, бозор иқтисодиёти шароитида молиявий хизматлар бозорининг аудит, консалтинг, микрокредитлаш, баҳолаш хизматлари, адвокатура ва ҳоказо субъектлари билан бир қаторда солиқ маслаҳати ҳам муваффақият билан фаолият юритади.

Ушбу хизматнинг истиқболдаги ривожланиши юқоридаги хизматлар билан чамбарчас боғлиқ. Бизнес хизматлари бозорининг бугунги ҳолати бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш соҳасида солиқ оқибатлари билан боғлиқ ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳат сўраб кимга мурожаат қилиш кераклигини танлаш имконини беради.

Солиқ тизимида хизматлар даражасини кенгайтириш ва уларнинг сифатини ошириш мақсадида эса, юқорида зикр этилган "Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган. Ушбу Қонун асосида солиқ тизими доирасидаги қуйидаги хизматларга эътибор қаратамиз:

- мижозга (ишонч билдирувчига) солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш масалалари бўйича маслаҳат хизматлари. Фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларга олган даромадлари ва харажатлари таснифи бўйича солиқ солинадиган базани тўғри аниқлаш ҳамда уларни тўлаш тартиби бўйича тегишли кўрсатмалар беради.

- солиқ солиш масалалари бўйича ҳужжатлар тузишда мижозга (ишонч билдирувчига) ёрдам кўрсатиш. Бунда, хўжалик юритувчи субъектларга солиқ солишда зарур бўлган ҳужжатлар, ҳисобот шакллари, турлари, ҳисобот топшириш муддатлари ва уларнинг тўлдирилиши лозим бўлган жадваллари бўйича тегишли кўрсатмалар беради. Шунингдек, мижозга ҳар бир солиқ турлари бўйича солиқ солинадиган ставкалар ва қонун ҳужжатларида кўрсатиб ўтилган имтиёзлар тўғрисида, солиқ идоралари ва хўжалик юритувчи субъектнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий билимлар бериб боради;

- судда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларда солиқ солиш масалалари бўйича мижоз (ишонч билдирувчи) номидан ва унинг топшириғига биноан вакиллик қилиш. Хўжалик юритувчи субъект фаолиятида солиқ солиш масалалари бўйича мижоз номидан мазкур ҳолатга аниқлик киритиб, ўз ҳулосасини суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органларга тақдим этади.

- мижозга (ишонч билдирувчига) солиқлар даражасини камайтириш бўйича маслаҳатлар бериш ва уларни амалга оширишга кўмаклашиш.

---

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасини Қонуни 21.09.2006 й. № ЎРҚ-55

Қонунда солиқ маслаҳати тушунчасига - солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятдир, дея баҳо берилган. Шу сабабли солиқ маслаҳати ташкилоти алоҳида фаолият юритиши ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга мустақил хизмат кўрсатиш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органлари томонидан ташкил этилиши тақиқланган. Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти акциядорлик жамиятидан ташқари, исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда ташкил этилиши ва ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин. Шу билан бирга ташкилотда малака сертификатини олган жисмоний шахс солиқ маслаҳатчиси ҳисобланиб, ташкилот раҳбарлигида иш тажрибасига эга бўлган солиқ маслаҳатчиси фаолият юритиши белгилаб ўтилган.

Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатувчи тижорат ташкилоти ҳисобланади. Бу ташкилот мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланиши билан бирга, бозор иқтисодиёти ривожланаётган ҳозирги даврда бозор муносабатларининг тўлақонли иштирокчисига айланиб боради.

Солиқ органлари солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатишнинг махсус дастурларини яратишга алоҳида эътибор қаратишлари керак. Солиқ органларидан махсус маслаҳат бўлинмаларини барпо этиш шу мақсадга хизмат қилиши мумкин.

## **6-бўлим. Солиқ тарғиботи ва солиқ тўловчилар билан ўтказилган сўровномалар натижалари**

Солиқлар ва йиғимларни тўлаш заминида давлат билан солиқ тўловчи ўртасидаги иқтисодий муносабат ётади. Мазкур муносабатларни яхшиланишида солиқ тарғиботи муҳим рол ўйнайди. Ҳар бир солиқ тўловчи, у хох жисмоний, хох юридик шахс бўлсин, солиқ тўлашдан бўйин товламасдан, даромадларини яширишга уринмасдан, аксинча, ўз ишлаб чиқаришини ривожлантириш ва даромадини оширишга интилиши лозим.

Ўзбекистон солиқ қонунчилигида солиқ сиёсатини тарғибот қилиш асосан Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси<sup>5</sup> ва “Давлат солиқ хизмати тўғрисида”ги Қонунларда<sup>6</sup> белгилаб берилган.

Солиқ тўловчиларга солиқ қонунчилигининг мазмун ва моҳиятини очиб бериш асосан давлат солиқ хизмати органлари томонидан оммавий ахборот воситалари орқали оммабоп кўрсатув, эшиттиришлар ташкил этиш, солиқ тўловчилар билан жойларда семинар учрашувлар ташкил этиш орқали амалга оширилади.

---

5 Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Т., «Адолат» 2010 й.

6 Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонуни. №474-І .29 август 1997 й.

Эндиликда солиқ тўловчиларга, солиқ ва тўловларни тўғри ҳисобланиши ва тўланиши бўйича амалий ёрдам кўрсатиш, улар томонидан солиқ қонунчилиги талабларини бузилиши ҳолатларини олдини олиш мақсадида профессионал “Солиқ маслаҳатчилари” тизимини яратиш бўйича тегишли тадбирлар йўлга қўйилмоқда.

Ҳозирда Давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларга солиқлар, бошқа мажбурий тўловлар, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги ўзгаришларни тарғибот қилиш, солиқлар, ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш, ўз вақтида тўлаш ишлари юзасидан солиқ тўловчилар томонидан мурожаат қилинганда, уларга текин ёрдам кўрсатиш ва маслаҳатлар бериш кенг йўлга қўйилган.

Давлат солиқ инспекцияларининг таркибий тузилмаси асосан, юридик ва жисмоний шахслар солиқлар ва тўловларининг бюджетга тушишини назорат ва таҳлил қилиш бўлими, солиқ тўловчилар ҳисоботларини қабул қилиш ва таҳлил этиш шўъбаси, ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва солиқ статистикаси бўлими, жисмоний шахсларга солиқ солиш ва декларация шўъбаси, яқка тартибдаги тадбиркорларга солиқ солиш ва участка инспекторлари шўъбасидан ташкил топган.

Ҳар бир таркибий тузилманинг асосий вазифаси республикамизда жорий этилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни солиқ тўловчилар томонидан ўз вақтида тўлиқ тўланишини ташкил ва назорат этишдан иборат.

Бунинг учун улар тарғибот ва ташвиқотнинг турли йўналишлари ва кўринишларида солиқ тўловчиларга солиқ қонунчилигини тарғиб қилиб борадилар тарғиботнинг ушбу усуллари куйидаги қўналишларда бўлиши мумкин.

**Биринчи усул. Солиқ қонунчилигининг тушунтириш ишларини олиб бориш.** Бунда барча тоифадаги солиқ тўловчиларга солиқ тўғрисидаги қонун меъёрларини ахборот шаклида тушунтириб бориш назарда тутилади.

**Иккинчи усул. Семинарлар ва йиғинлар.** Оғзаки тарғибот-ҳуқуқий тарғибот усули бўлиб, унда солиқ тўловчи барча юридик ва жисмоний шахслар, тадбиркорлик субъектлари учун оммавий тарзда солиқ қонунчилиги меъёрлари семинарлар, конференциялар ва давра суҳбатлари ташкил этиш орқали етказилади.

**Учинчи усул. Солиқ тўловчи билан индивидуал тарздаги суҳбат.** Тарғиботнинг ушбу усули бу ҳар бир солиқ тўловчи билан индивидуал тарзда суҳбат йўналишида бўлиб, унда солиқ инспекцияси масъул ходими билан солиқ ҳисоботини ёки декларацияни топширувчи шахс ўртасида тушунтириш маъносида кечади.

Солиқ тўлаш мажбурияти не чоғлик амалга оширилаётгани ва солиқ тўловчилар ҳамда солиқ идораларининг бир-бирига бўлган муносабатига ойдинлик киритиш учун Япониянинг халқаро ҳамкорлик ташкилоти (ЈСА) томонидан анкета сўровномаси ўтказилди. Бу Ўзбекистон фуқароларининг солиққа нисбатан муносабати, солиқ идораларининг солиқ тўловчига бўлган муносабатини билишда жуда ҳам муҳимдир.

Респонент сифатида Тошкент шаҳри, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган 500 та солиқ тўловчилар танланди. 500 та респонентдан 217 таси (37 фоиз)ни “бухгалтер”, “одатда солиққа алоқадор фаолият юритаётганлар” 226 та (39 фоиз)дир,

колган респондентлар “қисман алоқадор” ва “қундалик фаолиятида солиққа бевосита алоқадор бўлмаган”лар ташкил этди. Ушбу респондентларнинг 471 таси (94 фоиз) мулк ва ер солиғи каби солиқларни тўлаган солиқ тўловчилардир.

Саволлар куйидагилардан иборат:

**Респонентларнинг маълумотларни олишдан қониқиш хисси даражаси ҳақида.** Респонентлардан 494 тасидан 257 таси “етарли даражада” ва 213 таси “қониқарли” деб жавоб бериб, жами 470 тани, 95 фоизни ташкил қилади. 18 та респондент “етарли эмас”, 6 таси “қониқарсиз” жавобларини белгилаган.

**Солиқ тўловчилар ўз ҳуқуқларини қай даражада билиши ҳақида.**

Бу пункт ҳақида “деярли биламан” деб жавоб берганлар 57 фоиз, “етарлича биламан” деб жавоб берганлар 35 фоиз, жами 92 фоиз респонент ўз ҳуқуқини билишади. Бу тенденция барча жабҳаларда акс этган. Билим етарли даражада тарқалган дейиш мумкин.

**Солиқ идорасида кетадиган вақт ҳақида.**

Солиқ идорасига борадиган солиқ тўловчи солиқ идорасида ўз юмушларига 15 дақиқа кетмайди деб жавоб берганлар 40 фоиз, 15 дақиқадан 30 дақиқача кетади деб жавоб берганлар 32 фоизни ташкил этади.

**Солиқ идораси ходимларининг муносабати ҳақида.**

Респонентларнинг 65 фоизи солиқ идораси ходимларининг муносабати “етарли даражада қониқтиради” деб жавоб беришса, уларнинг 32 фоизи “умуман қониқтиради” деб жавоб бериб, ижобий жавоб берган респонентлар 97 фоизни ташкил этди. “Қониқтирмайди” деб жавоб берганлар сони атиги 16 тани, фоиз ҳисобида 3 фоизни ташкил қилди. “Жуда ҳам қониқтирмайди” деб жавоб берганлар бўлмади.

**Солиқ идораси биноси, жихозлар ва шароитлар ҳақида**

485 та жавоблар олиниб, 64 фоизи “етарли даражада қониқтиради” ва 29 фоизи “ноқулайлик йўқ” деган 93 фоизлик ижобий жавоб олинди ҳамда “тузатишлар киритиш талаб қилинади” жавоби 37 та 7 фоизни ташкил қилди.

**Ишонч телефонларининг тарқалиши ҳақида**

Бу пунктда ишонч телефонлари ҳақида “биламан” деб жавоб берганлар 88 фоизни, “билмайман” деб жавоб берганлар 12 фоизни ташкил қилди. Ҳар бир синф бўйича “биламан” деб жавоб берганлар 80 фоиздан ошганини инобатга оладиган бўлсак, ишонч телефонидан солиқ тўловчилар яхши хабардор деган хулосага келиш мумкин.

**Сўровнома сўнггида “Эркин фикр ёзиб қолдириш” бўйича респондентлар томонидан билдирилган фикрлар.**

Солиқ ҳисоботини электрон почта орқали жўната олиш бўйича ҳозирда Ўзбекистонда солиқ ҳисоботини электрон почта орқали жўнатиш тизими йўлга қўйилган. Бундан фойдаланаётган солиқ тўловчилар сони ортиб бормоқда. Шу билан бир каторда солиқ тўловчилар ҳамда солиқ идораларида бунга керак бўладиган техника аппаратураларига эҳтиёж сезилмоқда.

## **7-бўлим. Солиқ тўловчилар билан ишлашнинг Япония тажрибаси**

### **1. “Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш”нинг ўрни**

Молия вазирлигини ташкил қилиш тўғрисидаги қонуннинг 19-моддасида “мамлакат ичида адолатли ва ҳаққоний солиққа тортиш ва солиқларни йиғишни таъминлаш” Миллий солиқ агентлигининг асосий вазифаси қилиб белгиланган.

Миллий солиқ агентлигининг интернет саҳифасида эълон қилинган “Миллий солиқ агентлигининг 2010 йил ҳисоботи”га биноан, “солиқ тўловчилар томонидан мустақил равишда солиқ мажбуриятларини бажарилишиги эришиш” Миллий солиқ агентлигининг вазифаси ва мақсади деб белгиланиб, ушбу мақсадга эришиш учун “солиқ тўловчилар учун шарт-шароитлар яратиш (яъни солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш)” ва “адолатли ва ҳаққоний солиқ маъмурчилигини юритиш” дан иборат 2та вазифа олдинга қўйилган.

1-вазифа борасида 1) декларациялаш ва солиқларни тўлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари ва тартиб-қоидаларни аҳолига тушунтириш ва тарғибот ишларини олиб бориш, 2) солиқ тўловчиларнинг савол ва мурожаатларига вақтида ва тўлиқ жавоб бериш, 3) солиқларнинг аҳамияти ва солиқ маъмурчилиги ҳақида аҳоли орасида кенг миқёсда тушунтириш ишларини олиб бориш каби чора-тадбирлар амалга оширилади.

2-вазифа вазифа бўйича эса 1) тегишли қонун ҳужжатларини тўғри қўллаш, 2) декларацияларни тўғри тўлдириш ва топширишни таъминлаш билан биргаликда декларациясида камчиликлар бўлган солиқ тўловчиларни текшириш ва уларга тегишли ёрдам ва кўрсатмаларни бериш орқали камчиликларни бартараф қилиш, 3) солиқларни ўз вақтида тўланишини таъминлашга ҳаракат қилиш билан биргаликда вақтида тўламаган солиқ тўловчиларга нисбатан чоралар қўллаш орқали солиқларни йиғиб олиш каби чора-тадбирлар амалга оширилади.

Яъни, “солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш” ва “адолатли ва ҳаққоний солиқ маъмурчилигини юритиш” Японияда солиқ маъмурчилигини ушлаб турган 2 та устун деб аташ ҳам мумкин.

### **2. Солиқ тизимининг ҳозирги ҳолати**

#### **(1) Солиқлар тури ва тушуми**

Японияда ялпи декларациялаш тизими қабул қилинган. Мамлакатда 20 дан ортиқ солиқ тури бўлсада, 2010 йил бюджетига биноан давлат бюджети киримида жисмоний шахсларнинг даромад солиғи (33.8%), юридик шахслар фойда солиғи (15.9%), истеъмол (қўшимча қиймат) солиғи (25.8%) ни ташкил қилиб, мана 3 та солиқнинг ўзидан тушум умумий солиқ тушумининг 75% дан ортиғини ташкил қилади.

Асосан жисмоний шахсларнинг даромад солиғи 33.8% ни ташкил қилиб ундан 27.2 % тўлов манбаида ушлаб қолинган солиқдир. Бундан жисмоний шахсларнинг даромад солиғини тўловчиларнинг кўпчилиги ойлик олиб ишловчилар бўлиб улардан

йиғиладиган слиқ солиқ тушумининг асосий қисмини ташкил қилади деб хулоса қилиш мумкин.

## **(2) Солиқ тўловчилар ва декларациялаш**

1) Солиқ тўловчи жисмоний шахслар олдинги йилдаги даромадларини ҳисоб-китоб қилиб, даромадларини декларация қилиш зарур бўлса кейинги йилнинг 15 мартига қадар солиқ идораларига декларация топшириб белгиланган вақт ичида солиқ мажбуриятларини бажаришлари шарт.

Лекин ойлик олиб ишловчилар каби тўлов манбаида даромад солиқлари ушлаб қолинадиган солиқ тўловчилар ҳам кўпчиликини ташкил қилади.

Яъни, солиқларни тўлов манбаида ушлаб қолиш тизимида корхона ва ташкилотлар ишчиларига иш ҳақи тўлашда даромад солиғини ушлаб қолиб молия муассасалари орқали давлат бюджетига ўтказилади. Ундан ташқари ҳар йилнинг охирида ҳар бир ишчи ёки ходимнинг йиллик иш ҳақи ва тўлов манбаида ушлаб қолingan солиқ суммасини солиштириб тегишлича мувофиқлаштириш орқали солиқ тўловчи топшириш керак бўлган декларация ва солиқ тўлашга ҳожат қолмайди.

2) Солиқ тўловчи юридик шахслар ҳар бир юридик шахс ўзи белгиланган фаолият йили (1 йилни ўз ичига олган солиққа тортиш даври) тугагач қоида бўйича 2 ой ичида декларация топшириши шарт.

3) Истеъмом (қўшимча қиймат) солиғи тўловчилар хўжалик юритувчи субъектларнинг белгиланган талабларга жавоб берадиганларидир.

Шунинг учун, истеъмом солиғи бўйича декларация топширувчи солиқ тўловчилар юридик шахс ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар бўлиб, жисмоний шахслар даромад солиғи ёки юридик шахслар фойда солиғи бўйича декларация топширувчи солиқ тўловчилар ҳисобланади.

Истеъмом солиғи бўйича декларация топшириш ва солиқ тўлаш вақти жисмоний шахслар учун кейинги йилнинг 31 марти, юридик шахслар учун эса юридик шахслар фойда солиғи бўйича декларация топшириш вақти деб белгиланган.

## **(3) Солиқ тўловчиларни ҳисобга олиш**

1) Солиқ тўловчи жисмоний шахслар декларация топшириш орқали дастлаб солиқ тўловчи сифатида ҳисобга олинади. Чунки Японияда олдинги йилнинг даромадлари кейинги йилнинг 15 мартигача декларация қилиниши керак.

Бироқ “тадбиркорлик фаолияти”ни бошлашда олдиндан “тадбиркорлик фаолиятини бошлаш тўғрисидаги билдиришнома” ва “ишчиларга иш ҳақи беришни бошлаш тўғрисидаги билдиришнома” топшириш шарт. Ундан ташқари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахс фаолият жойи ўзгарганда ҳам бу ҳақда хабар бериши керак.

2) Юридик шахслар эса жамиятда алоҳида муҳим ўрин тутгани учун тижорат ташкилотлари реестрида ҳисобга оlingандан кейингина ташкил топган ҳисобланади. Реестрда ҳисобга оlingандан сўнг солиқ идораларига “ташкил топганлиги тўғрисида

билдиришнома”, “фаолиятини бошлаш тўғрисидаги билдиришнома” ва “ишчиларга иш ҳақи беришни бошлаш тўғрисидаги билдиришнома” топширади. Ундан ташқари кейинчалик юридик адреси ёки раҳбари ўзгарса ҳам бу ҳақда хабар бериши керак.

3) Жисмоний ва юридик шахслигидан қатъий назар солиқ тўловчиларни аниқ ҳисобга олиб декларация топширишларини таъминлаш адолатли ва ҳаққоний солиққа тортишнинг асосий шарти ҳисобланади. Айниқса жисмоний шахслар бўйича мавжуд маълумот ва хабарлардан фойдаланиб ҳали ҳисобга олинмаган солиқ тўловчиларни ҳисобга олишга ҳаракат қилинади.

#### **(4) Миллий солиқ агентлигининг ташкилий тузилиши**

1) Миллий солиқ агентлиги иккинчи жаҳон урушидан кейин 1949 йилда Молия вазирлиги қошида ташкил этилган. Агентлик таркибида 12 та ҳудудий бошқарма (жумладан Окинава солиқ идораси) ва 524 та солиқ инспекциялари мавжуд. Ундан ташқари махсус ташкилотлар сифатида Солиқ коллежи ҳамда Солиқ арбитражи ҳам мавжуд.

Миллий солиқ агентлигининг ҳамма таркибий тузилмари ходимлари штати 52400 кишидан иборат. Ҳудудий солиқ бошқармаларида 10,8 минг нафар, давлат солиқ инспекцияларида 43,9 минг, Солиқ коллежида 336, Солиқ арбитражида 477 нафар солиқ ходимлари меҳнат фаолиятини амалга ошириб келмоқда.

Давлат солиқ хизмати ходимларидан ташқари маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларида ҳам 84 минг ходим бутун мамлакат бўйлаб маҳаллий солиқларни йиғиш бўйича ишлайди.

2) Солиқ идораларида солиқ тўловчилар билан бевосита ишлаш солиқ инспекцияларида умумий бўлим (умумий ишлар), бошқарув бўлими (талабларни бошқариш, умумий масалалар бўйича маслаҳатлар), солиқларни ундириш бўлими (солиқларни тўлаш бўйича маслаҳатлар, боқиманда қарзларни ундириш), жисмоний шахсларни солиққа тортиш бўлими (солиқ тўловчи жисмоний шахсларга даромад солиғи, истеъмол солиғи бўйича маслаҳатлар бериш ва текширувлар ўтказиш), юридик шахсларни солиққа тортиш бўлими (солиқ тўловчи юридик шахсларга фойда солиғи, истеъмол солиғи бўйича маслаҳатлар бериш ва текширувлар ўтказиш)га юклатилган.

Ундан ташқари, алкоголь маҳсулотлари бўйича инспектор (алкогол маҳсулотлари солиғи бўйича маслаҳатлар бериш ва текширувлар ўтказиш), солиқ тарғиботи бўйича инспектор (тарғибот ишлари)лар фаолият кўрсатадиган солиқ инспекциялари ҳам мавжуд.

Солиқ инспекциялари ходимлари сони тегишли ҳудуд, солиқ тўловчилар сони ва иқтисодий шароитга қараб битта инспекцияда 30 тадан бошлаб 200 тадан ошиши ҳам мумкин.

3) “Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш” ишлари бўйича тарғибот фаолияти билан машғул солиқ тарғиботи бўйича инспектор ва телефон орқали маслаҳатлар бериш марказидаги солиқ маслаҳати инспекторларини ҳисобга олмаганда фақат ушбу соҳа бўйича масъул ходим йўқ. Ҳар бир бўлим ходимлари зарур ҳолатларда

маслаҳат бериш ва декларация топширишда кўмаклашиш каби “солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш” деб аталадиган ишларни асосий ишларининг бир қисми сифатида бажаришади.

“Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш” алоҳида мустақил бир бўлимнинг махсус иши бўлмай ҳар бир бўлим ўз ишининг таркибий қисми сифатида асосий ишининг ажралмас бир қисми сифатида бажариб келадиган иш деб ҳисобланади.

### **3. “Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш”нинг олиб борилиши**

«Солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш» ишлари бошидан қандайдир бир режа ёки схема бўйича бошланмай, зарурат бўлгани учун жду кўп вақт ва одамларнинг меҳанти натижаси ўлароқ ҳозирги ҳолатигача шаклланиб келган. Ундан ташқари ушбу соҳага тизимдаги ислоҳотлар ва жамиятдаги ўзгаришлар ҳам ўз таъсирини кўрсатиб келади.

Натижада Япониянинг “солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш” тизимини қисқача тушунтириш қийин бўлсада солиқ идораларининг фаолияти билан танишиб бу соҳадаги ишларни 1) умумий тарғибот, 2) индивидуал ва батафсил кўрсатмалар бериш, 3) солиқ тўлаш учун шарт-шароитлар яратиш (жамият тизимини барпо қилиш)ларга бўлиш мумкин.

1) пункт бўйича одатдаги кундалик тарғибот фаолияти, 2) пункт бўйича одатда солиқ инспекцияларидаги солиқ тўловчиларга маслаҳатлар ва кўмак бериш ишлари, 3) пункт бўйича эса солиқ маслаҳатчилари тизими, хухусий ҳамкор ташкилотларнинг фаолияти ва солиқ таълимининг ривожлантирилишини кўрсатиш мумкин.

Ушбу ҳамма ишларни даромадларни ялпи декларация қилиш давридаги солиқ тарғиботи ва солиқ тўловчиларга кўмак беришда кузатишимиз мумкин.

Охирги пайтда информацион технолигияларни қўллаш орқали солиқ тўловчиларга қулайликлар яратишга ҳаракат қилиниб, уларнинг фикр ва мулоҳазаларини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қуйида ушбу ишлар қисқача таништирилади:

#### **(1) Солиқ тарғиботи фаолияти**

Илгари солиқ тўловчиларга солиққа оид маълумотлар газета, телевидение, журнал ками оммавий ахборот воситалари орқали етказилиб, солиқ идораларида ҳам кўр семинарлар ташкил қилинган бўлсада, ҳозирги пайтда асосий маълумотлар Миллий солиқ агентлигининг интернет саҳифасидан олинмоқда. Интернет саҳифа орқали қонунчиликдаги ўзгаришлар ва ва уларни тушунтириш бўйича маълумотлардан ташқари даромадларни декларациялаш тартиб-қоидалари, декларация формалари, уларни тўлдиришда ёрдам ҳам бериб борилмоқда.

#### **(2) Маслаҳатлар бериш**

Солиққа оид кўп учрайдиган саволлар ва муаммоларга интернет саҳифасидан жавоб топиш мумкин.

Алоҳида ва мураккаб масалалар бўйича “Телефонда маслаҳат бериш маркази”га кўнғироқ қилиб тажрибали солиқ инспекторларидан маслаҳат олиш мумкин. Яна,

телефонда маслаҳат бериш қийин бўлган масалалар бўйича солиқ инспекцияларида консултация олиш мумкин.

Солиқ тўловчилар талабларига юқори даражада жавоб бера оладиган маслаҳат бериш тизими йўлга қўйилган.

(3) Солиқ маслаҳатчилари тизими

1) Ҳозирда Японияда рўйхатга олинган солиқ маслаҳатчилари сони 71000 та атрофида.

Солиқ маслаҳатчилари тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасида “солиқ маслаҳатчисига холис ва адолатли равишда декларация қилиб солиқ топшириш тизимига асосан солиқ мажбуриятларини тўғри бажаришга эришиш юклатилган” деб белгиланган. Ундан ташқари ушбу қонуннинг 2-моддасида 1) солиқ ишларида вакиллик қилиш, 2) солиқ ҳисоботларини тайёрлаш, ва 3) солиқ маслаҳати бериш ишлари солиқ маслаҳатчиси фаолияти деб белгиланган.

2) Жамият ривожланиши билан бирга мураккаблашиб бораётган солиқ қонунчилиги бўйича мутахассис ҳисбланадиган солиқ маслаҳатчиси солиқ тўловчилар учун жуда зарур мутахассисдир. Лекин солиқ маслаҳатчиларининг иши ҳисобот тайёрлаш ва солиқ тўловчига вакиллик қилишдангина иборат эмас.

Солиқ маслаҳатчилари тўғрисидаги қонунда солиқ маслаҳатчиси солиқ тўловчининг манфаати учун ёки солиқ идоралари томонида фаолият кўрсатмасдан, адолат тарафида туриб солиқ мажбуриятларининг бажарилиши таъминланишига ҳаракат қилиши керак деб белгиланган.

Мана шу солиқ маслаҳатчилари солиқ маъмурчилигида катта роль ўйнаши ва жамият томонидан ҳурмат ва умид билан қаралишига сабабдир.

3) Солиқ маслаҳатчиларининг хизматидан фойдаланиш солиқ тўловчи учун ихтиёрий. Уларнинг хизматидан фойдаланиш ўзаро шартнома асосида бўлиб хизмат ҳақи олинади.

Ҳозирги пайтда Японияда асосан юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркор жисмоний шахслар солиқ маслаҳатчилари хизматидан фойдаланишади.

(4) Хусусий ҳамкор ташкилотлардан фойдаланиш

Япония солиқ идоралари солиққа оид маълумотларни солиқ тўловчиларга фақат бевосита эмас балки ҳар хил ташкилот ва гуруҳлар орқали самарали етказишга ҳам ҳаракат қилмоқда.

Қуйида келтирилган ташкилотлар дастлаб ўз аъзолари тўлайдиган солиқ турлари бўйича ташкил қилинган бўлсада ҳозирда бутун мамлакат бўйлаб фаолият юритиб ўз аъзолари учун ўқиш ва семинарлар ташкил қилиш билан биргаликда ўзгартиришлар киритилган истеъмол солиғи тўғрисидаги қонун талабларига мослашиш, e-tax тизимини тарғиб қилиш, “солиқлар ҳақида ўйлаш ҳафталиги” каби ҳар хил тадбирларни амалга оширмоқдалар. Ундан ташқари солиқ тизими бўйича солиқ тўловчиларнинг фикр ва мулоҳазаларини тўплаб Япониянинг солиқ маъмурчилигини қўллаб-қувватлашга ёрдам бермоқдалар.

- 1) Кўк декларация ассоциацияси (кўк декларация топширадиган якка тартибдаги тадбиркор жисмоний шахслар ташкилоти)
- 2) Юридик шахслар ассоциацияси (солиққа оид билимларни кенг ёйиш ва тўғри декларациялашни тарғиб қилувчи юридик шахс корхоналар ташкилоти)
- 3) Билвосита солиқлар ассоциацияси (билвосита солиқларни ўрганиб солиқ маъмурчилиги ривожланишига ҳисса қўшувчи ташкилот)
- 4) Солиқларни тўлаш учун маблағларни йиғиш ассоциацияси (Солиқларни тўлаш учун маблағларни йиғиш орқали солиқларни доимо ўз вақтида тўлашни мақсад қилиб қўйган ташкилот)
- 5) Солиқ тўлаш ассоциацияси (солиққа оид билимларни кенг ёйиш, тўғри декларациялашни тарғиб қилиш ва онгли равишда солиқ тўлаш ҳиссини оширишни мақсад қилиб қўйган Осака шаҳридаги ташкилот)

(5) Солиқ таълимини ривожлантириш

1) Келажакда жамиятни бошқарадиган (бошланғич, ўрта ва юқори) мактаб ўқувчиларига солиқларни тўғри ҳис қилиш ва солиқ механизмларига оид билимларни бериш жуда муҳим. Японияда соли таълимоти мактаб таълимида ижтимоий фанлар доирасида олиб борилади.

2) Солиққа оид дарсларни ўтиш оддий мактаб ўқитувчиларига қийинроқ бўлгани учун кўп ҳолларда бу дарсларга солиқ инспекцияси ходимлари маърузачи сифатида таклиф қилинади.

3) Бошланғич ва ўрта мактаблар шаҳар ҳокимиятига қарагани учун тегишли ҳудудлардаги солиқ инспекциялари, шаҳар ва қишлоқ ҳокимиятлари ва мактаблар ҳамкорликда кўмиталар ташкил қилиб ҳудудга мос солиқ таълими бўйича ўқув материаллари ишлаб чиқиш ҳоллари ҳам кузатилади.

4) Солиқ маслаҳатчилари ассоциацияси солиқ маслаҳатчиларининг жамиятга ҳисса қўшиш фаолияти доирасида солиқ таълими билан ҳам шуғулланишади. Солиқ маслаҳатчилари ассоциацияси Миллий солиқ агентлиги кўрсатмаларига биноан матаб ўқувчилари учун ҳар хил даражадаги ўқув материаллари ишлаб чиқади. Ундан ташқари солиқ маслаҳатчилари ассоциацияларининг ҳудудлардаги филиаллари ўз ҳудудларидаги мактабларга солиқ маслаҳатчиларини маъруза қилиш учун юбориб Япониянинг солиқ таълимига аҳамиятли ҳисса қўшишмоқда.

#### 4. Келгусидаги режалар

(1) Вазифалар

Япония Миллий солиқ агентлиги “Миллий солиқ агентлигининг 2010 йил ҳисоботи”да келгусида “солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш”ни ривожлантириш учун қуйидаги чораларни белгилаган:

- 1) Солиқ тўловчилар декларация топшириши учун керакли солиққа оид

маълумотларни ва қонун ҳужжатлари шарҳини етказиб бериш тизимини ривожлантириш;

- 2) E-tax (электрон почта орқали электрон декларация топшириш), Миллий солиқ агентлиги интернет саҳифасидаги “Декларация тўлдириш бурчаги” каби инфор­мацион технологияларни қўллаб солиқ тўловчилар учун қулай декларация қилиш ва солиқларни тўлаш тизимини ривожлантириш;
- 3) Солиқ тўловчилар ўз хўжалик фаолиятларида солиқ қонунчили­гидан фойдаланиш ҳақида олдиндан хабардор бўлишлари учун уларга бу ҳақда олдиндан хабар бериб бориш тизимини ривожлантириш;
- 4) Тўлов манбаида солиқларни ушлаб қолувчиларга янада кўпроқ маълумот етказиш ва тарғибот ишларини олиб бориш орқали уларнинг иши самарасини ошириш;
- 5) Солиқ маслаҳатчилари ўйнайдиган роль муҳим бўлган учун солиқ маслаҳатчилари ассоциациялари билан ҳамкорликни кучайтириш.

## (2) Хулоса

Япония жамиятида охи­рги пайтда болалар сони камлиги (туғилиш камлиги туфайли болалар сони камайиши), миллатнинг қариши шиддатли бўлиб глобализация ҳам жадал равишда кириб келмоқда.

Натижада бир томондан тизимнинг мураккаб­лашиши ва бизнес алоқаларнинг диверсификацияланиши солиқ идораларидаги ишларнинг қийинлашиши ва иш ҳажмининг тобора ор­тиб боришига сабаб бўлмоқда.

Бошқа томондан эса Япония ҳукуматидаги молиявий танглик Миллий солиқ агентлиги штати ва бюджетини оширишга йўл қўймайди.

Япония Миллий солиқ агентлиги солиқ маъмурчилиги атрофидаги ҳолат жуда ҳам қийинлигини ҳис қилган ҳолда инсоний ва моддий ресурслардан янада самарали фойдаланишни ўз ол­дига мақсад қилиб қўйган.

Бутун жамиятда тез суръатларда инфор­мацион технологияларнинг ривожлангани учун солиқ тўловчиларга қулайликлар яратган ҳолда “солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш”ни инфор­мацион технологиялар билан боғлаш ҳозирги куннинг долзарб ва­зифасидир.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

**Ўзбекистон Республикаси қонунлари  
Ўзбекистон Республикаси президенти  
асарлари, фармонлари ва қарорлари  
Ўзбекистон Республикаси  
вазирлар маҳкамасининг қарорлари**

**Ўзбекистон Республикаси вазирликлари  
меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари  
Махсус адабиётлар  
Интернет манбалари**

**Иловалар**

**Кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ўзгариш  
динамикаси**

**Кичик тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкасининг ўзгариши**

**1995-2010 йилларда фойда солиғининг асосий ставкаларини ўзгариш динамикаси.**

**1998-2010 йилларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи  
ставкасининг ўзгариш динамикаси**